

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРА  
АКАДЕМИЯСИ**



**“Судларда прокурор ваколатини таъминлаш”  
кафедраси**

**“Прокурорлик фаолияти” йўналиши тингловчиси  
АБДУЛЛАЕВ КАРИМБЕК ДИЛШОДОВИЧНИНГ**

**МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ НИЗОЛАРНИ  
КЎРИЛИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**мавзусидаги**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ**

**Илмий раҳбар: Д.И.Нодиров**

**ТОШКЕНТ – 2022**

## Мундарижа

<b>Кириш</b> .....	2-11
<b>I Боб. Инвестициявий низоларнинг табиати ва унинг назарий ҳуқуқий асослари</b> .....	12-39
<b>1.1-§. Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи инвестициявий низолар тушунчаси, мазмуни, аҳамияти ва ўзига хослиги</b> .....	12-25
<b>1.2-§. Инвестициявий фаолият ва уни тартибга солишнинг назарий-ҳуқуқий манбаларининг таснифи</b> .....	26-39
<b>II Боб. Инвестициявий низолар бўйича судга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳамда мазкур турдаги ишларни судда кўриб чиқиш тартиби</b> .....	40-59
<b>2.1-§. Инвестициявий низоларни маъмурий судлар томонидан кўриб чиқиш тартиби ва унинг ўзига хос хусусиятлари</b> .....	40-49
<b>2.2-§. Инвестициявий низоларни судда кўриб чиқишда прокурор иштироки</b> .....	50-59
<b>III БОБ. Хориж тажрибасини ўрганиш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари</b> .....	60-79
<b>3.1-§. Инвестициявий низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича хориж тажрибаси</b> .....	60-71
<b>3.2-§. Инвестициявий низоларни кўриб чиқиш давомида вужудга келаётган муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари</b> .....	72-79
<b>Хулоса</b> .....	80-85
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	86-94
<b>Иловалар</b> .....	95-119

## Кириш

Ҳар бир ривожланаётган мамлакат иқтисодиётини янада юксалтиришда инвестиция ва инвесторларнинг роли ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатда инвестиция дастурларини кенг кўламда амалга ошириш ҳамда хорижий инвесторларни иқтисодиётга жалб этиш учун эса уларга қонун устуворлигини таъминлаб бериш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Чунки, Республиканинг саноат ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, иқтисодиёт тармоқларига юқори технологияларни кенг жорий этиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш орқали худудларда янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, экспортни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришнинг реал имконияти вужудга келади.

Сўнгги йилларда юртимизда инвестицион муҳитни янада яхшилаш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январьдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони<sup>1</sup> қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра, мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари қийматидаги инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш, инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича, “пастдан-юқорига” тамойили асосида, янги тизимни йўлга қўйиш белгиланди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида ҳар йили “Тошкент халқаро инвестиция форуми”ни ўтказиб бориш белгиланди.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида биринчи маротаба Тошкент шаҳрида 24-26-март кунлари “Тошкент халқаро инвестиция форуми” бўлиб ўтди. Форумда Президент Ш.М.Мирзиёев нутқ сўзлаб,

---

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

инвестициялар жозибадорлигини таъминлашда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигига эришиш улкан аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, инвесторлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, уларга тегишли имтиёзлар яратиб бериш ва инвесторлар фаолият юритишига ҳуқуқий кафолатларни таъминлаш учун бир неча йўналишларда фаол иш олиб борилганлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, иқтисодий ўсишнинг бир маромдаги юқори суръатларини сақлаб қолиш учун мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва рақобатбардош, банк тизими активларининг катта қисми хусусий инвесторлар қўлида бўлган моделини шакллантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, инвестициявий жозибадорликни ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бири бўлган инфратузилмага йўналтирилган инвестицияларнинг жадал ўсишини таъминлаш мақсадида давлат хусусий шериклик ва лойиҳаларни молиялаштириш воситаларини ривожлантириш орқали инвестициявий фаолиятни рағбатлантириш ҳам фаол тарзда олиб борилмоқда.

Учинчидан, рақамлаштириш ва давлат хизматларини масофавий тақдим этиш орқали инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бюрократик тўсиқлар ва чекловларни тўлиқ бартараф этиш учун инвесторлар ва давлат ўртасидаги муносабатлар оптималлаштирилди ва шаффофликни таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш учун хорижий инвесторларнинг мурожаатлари ва сўровлари билан ишлашни ташкил этиш сифати яхшиланмоқда.

Тўртинчидан, иш кучи ва капиталнинг иқтисодиётнинг қонуний секторларидан яширин иқтисодиётга оқиб кетишига олиб келадиган транзакция харажатларининг камайиши кузатилмоқда.

Бешинчидан, келгусида технологик ютуқларга эришиш нуқтасига айланиши ва кейинги 20-30 йил давомида мамлакат ишлаб чиқариш қувватларини ривожланиши учун замин яратиши мумкин бўлган Ўзбекистоннинг энг истиқболли соҳаларига йўналтирилган инвестиция сиёсати стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиб, инвесторларни ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда шу орқали қулай инвестицион муҳитни яратиш борасида амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтиш лозим.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан инвестицияни жалб қилиш ва инвесторлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Бундай инвестициявий низоларни ҳал қилиниши, қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш борасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

### **Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.**

Дунёда суд томонидан ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат олиб боришда маъмурий суд иш юритувига оид қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилиб, бу орқали ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалда таъминлаш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини жорий қилиш долзарб вазифа сифатида белгиланган. Айниқса, сўнгги йилларда давлатлар томонидан Конституция ва қонунлар ижросини таъминлашга хизмат қилувчи қонуности ҳужжатлар орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишини олдини олишда суд назорати институтидан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Жаҳонда оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, низолашувчи тарафларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, давлат бошқарув органларининг норма ижодкорлиги

устидан суд назоратини амалга ошириш масалалари юзасидан қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан Конституция ва қонунлар ижросини таъминлашга қаратилган қонуности ҳужжатлар устидан суд назоратини амалга оширишнинг процессуал асослари, мазкур жараёндаги иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, далиллар таснифини аниқлаш, соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлат бошқаруви тизимида олиб борилган ислоҳотлар, шу жумладан, маъмурий соҳадаги ислоҳотлар ўзига хос тарихий, сиёсий, ҳуқуқий ёки маданий хусусиятлардан келиб чиқувчи тажрибага асосланади. Кўпгина давлатларда маъмурий ислоҳотларнинг мақсади оммавий бошқарув тизимининг транспарентлигига ҳамда маъмурий ва суд процедураларини такомиллаштиришга қаратилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 12.01.2021 йилдаги “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-662-сонли Қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига инвестициявий низолар бўйича ишлари деб номланган 27<sup>1</sup>-модда киритилиб, маъмурий судлар томонидан кўриладиган инвестициявий низолар тоифалари белгилаб берилди. Бу эса хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янги поғонага олиб чиқди. Чунки, ушбу қонун қабул қилингунга қадар инвестициявий низолар тўғрисидаги ишлар фақатгина иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиляётган эди. Аммо, Иқтисодий процессуал кодекснинг 25-моддасида иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек

корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилатганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар кириши белгиланган.

Ушбу қонун нормасидан англашимиз мумкинки, иқтисодий низоларда тарафлар тенг ҳуқуқли бўлиб, низо тадбиркорлик фаолиятига доир бўлади. Шу сабабли, тарафлар ўзаро нотенг бўлган маъмурий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни иқтисодий судларда кўриб чиқилиши юқорида таъкидланган қонун нормасига мантқан зид ҳисобланади ва амалиётда ушбу турдаги низолар баъзида юқори турувчи органлари ёки халқаро арбитражлар томонидан кўриб чиқилаётган эди.

Юқорида таъкидланган қонунга асосан маъмурий судлар томонидан инвесторлар билан маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорларига, ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир ишлар кўриб чиқилиши белгиланди.

Бундан ташқари, маъмурий судлар томонидан инвестициявий низоларни кўриб чиқилиши институти янги бўлганлиги сабабли, уни амалиётга тўлиқ жорий этишда қийинчиликларга дуч келинмоқда.

Хусусан, хорижий инвесторларнинг мамлакат маъмурий суд органларига нисбатан ишончи (инвесторлар томонидан маъмурий низолар бўйича маъмурий судларга қилган шикоятлари сони жуда кам) шаклланмаган бўлиб, уларда тўлиқ ишончни шакллантириш учун ушбу тоифадаги низоларни қонуний кўриб чиқилишини таъминлаш, жараёни янада шаффофлаштириш лозим. Чунки, бундай турдаги низолар халқаро хусусий ҳуқуқ объекти бўлиб, инвестор мамлакати ва Ўзбекистон ратификация қилган халқаро шартномалар ҳамда икки томонлама ўзаро инвестицияларни қўллаб қувватлаш тўғрисидаги келишувлар низони ҳал қилишда қўлланилади. Бунинг учун эса авваламбор, судьяларнинг

малакасини ошириш ва ушбу турдаги низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича қўлланма яратиш лозим.

Шунингдек, ушбу турдаги ишларда асосан хорижий инвесторлар суд ишлари олиб бориладиган тилни билмаганликлари боис, уларнинг процессуал ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инвестор томонидан судга тақдим қилинган ҳужжатларни тўғри таржима қилиш ва ишда холис таржимон иштирокини таъминлаш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг **объекти** маъмурий судлар томонидан инвестициявий низоларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг **предмети** инвестициявий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқишни ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда илмий-назарий қарашлар ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг асосий **мақсади** инвестициявий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқишни миллий қонунчиликдаги тартибини ўрганиб чиқиб, уларни хорижий давлатлар тажрибаси билан қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилиш, улар юзасидан келиб чиққан саволларга жавоб қидириш, соҳа илм фани ривожига ва қонунлар такомиллашишига ҳисса қўшишдир.

Ушбу мақсад тадқиқотнинг:

– инвестициявий низоларнинг тушунчасини ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

– инвестициявий низоларни кўриб чиқиш принциплари моҳиятини очиб бериш;

– инвестициявий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқиш хусусида миллий қонунчилигимиз ва унинг амалиётини таҳлил қилиш;



– назарий, ташкилий ҳамда амалий жиҳатдан маъмурий ишларни кўриб чиқишда мавжуд муаммоларни ёритиш;

– маъмурий ишларни кўриб чиқиш борасида хориж амалиёти ва қонунларини ўрганиш ва миллий қонунчилик билан қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилиш;

– маъмурий ишларни кўриб чиқишни тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва ҳулосаларни ишлаб чиқиш **вазифаларини белгилаб беради.**

Тадқиқотнинг **илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Маъмурий ва иқтисодий судлар томонидан ҳал қилинадиган инвестициявий низолар тушунчасининг таърифи ва улар ўртасидаги фарқлар очиқ берилди;

Маъмурий судлар томонидан инвестициявий низоларни кўриб чиқишни такомиллаштириш бўйича кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар ишлаб чиқилди;

Инвестициявий низоларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади ва процессуал ҳамда моддий ҳуқуқ нормаларини судлар томонидан қўллашда ягона амалиётни шакллантиришга қаратилган Олий суд пленуми қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди;

Хорижий тажрибадан ва миллий амалиётдан келиб чиқиб, маъмурий судларга мурожаат қилишда аввало юқори органларга мурожаат қилиниши мажбурийлигининг зарурати ёритилган, шунингдек, муддатларни қўллаш бўйича тегишли тавсияларнинг зарурлиги асосланади.

**Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили.** Оммавий ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқиш, унинг қиёсий ҳуқуқий таҳлили ва уни такомиллаштириш масалалари миллий олимларимиз томонидан деярли ўрганилмаган.

Ўзбекистонлик олим ва мазкур соҳада илмий тадқиқот олиб бораётганлардан Э.Ҳожиёв, Ш.Шайзаков, И.Ҳамедовлар томонидан маъмурий суд иш юритувининг айрим жиҳатлари, Ж.Нематов томонидан

маъмурий процедураларни такомиллаштириш ва унинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили, Б.Қосимов томонидан хорижий мамлакатларда маъмурий юстиция, Д.Артиков томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг маъмурий ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилган.

Шунингдек, мазкур соҳада чет эл эксперт ва олимларидан Е.Б.Лупарев, А.Б.Зеленцов, Н.М.Коркунов, Д.М.Чечот, Е.В.Хахалева, Ю.А.Тихомиров, И.В.Михеева, А.И.Минина, А.А.Остроумов, Р.О.Опалев, Д.В.Галушко, В.Е.Усанов ва бошқалар изланишлар олиб боришган.

Бундан ташқари, В.В.Бойцова, Л.В.Бойцов, Kaufmann M., Nolte J.J., Юрген Кипп, Дмитрий Маренков каби хорижий олим ва мутахассислар томонидан маъмурий юстициянинг умумий жиҳатлари ва Германияда маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби, маъмурий суд иш юритуви ва унинг ўзига хос хусусиятлари, И.Ю.Богдановская, С.Ю.Данилов, А.В.Разгильдеев, А.В.Малько, В.Н.Побединский, С.С.Квач, Ernest Gellhorn, Ronald M.Levin, Н.Саванович, А.Д.Джерагиян каби хорижий олим ва мутахассислар томонидан хорижий давлатлар маъмурий юстицияси, хусусан, АҚШ маъмурий юстицияси, оммавий-маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби ўрганилган.

Тадқиқот олиб боришда **доктринал ва эмпирик усуллари**дан, яъни илмий билишнинг тизимли, мантиқий (анализ, синтез), қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик, ижтимоий сўровлар ўтказиш усулларидан фойдаланилади.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан маъмурий ҳуқуқ соҳасида тадқиқот ишларини олиб боришда, «Маъмурий ҳуқуқ» ва «Маъмурий суд иш юритуви» каби фанларни ўқитиш жараёнида ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда ва бошқа ҳуқуқий фанлар юзасидан маъруза матнларида, ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти инвестициявий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишда ҳамда унинг натижаларидан соҳага оид қонун ҳужжатларини янада яхшилашда ифодаланиши мумкин.

**Иш тузилмасининг тавсифи.** Кириш, уч боб, олти параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар каби қисмлардан иборат.

# **І Боб. Инвестициявий низоларнинг табиати ва унинг назарий хуқуқий асослари**

## **1.1. Оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи инвестициявий низолар тушунчаси, мазмуни, аҳамияти ва ўзига хослиги**

Юқорида таъкидлаганимиздек инвестициявий низолар нафақат оммавий-хуқуқий муносабатлардан, балки иқтисодий тенг муносабатлардан ҳам келиб чиқиши мумкин. Оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи инвестициявий низолар тушунчасига таъриф беришдан олдин Оммавий-хуқуқий муносабат ва низоларнинг ўзи нима эканлиги ва мазмунига тўхталиб ўтишимиз лозим.

Н.М.Коркунов оммавий хуқуқий низоларни кўриб чиқиши керак бўлган маъмурий ва фуқаролик юстицияси ўртасидаги фарқни келтириб, буни оммавий ва хусусий хуқуқ ўртасидаги фарқ сифатида ифода этди.

Агар процессуал муносабатлар ёрдамида хусусий хуқуқий муносабатлар (фуқаролик хуқуқи, оила, уй-жой ва бошқалар) амалга оширилса, хусусий хуқуқий низолар юзага келади; агар процессуал муносабатлар маъмурий, молиявий, солиқ, бюджет ва бошқа оммавий моддий хуқуқий муносабатларни амалга оширишга ёрдам берса, оммавий хуқуқий низо келиб чиқади<sup>2</sup>.

Бундан шуни англашимиз мумкинки, оммавий-хуқуқий низо - бу унинг мазмуни ҳисобланган хуқуқнинг оммавий тармоқлари масалаларидан иборат бўлган низо. Масалан, молия қонунчилиги масалалари бўлган низони молиявий оммавий низо деб аташ мумкин, инвестиция қонунчилиги масалалари бўлган низони оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи инвестициявий низо, маъмурий масалалар - маъмурий низо ва бошқалар. Олимлар тўғри таъкидлаганидек, агар низонинг мазмунини

---

<sup>2</sup> Коркунов Н.М. Русское государственное право. СПб., 1889.

ташкил этадиган масала маъмурий ҳуқуққа тегишли бўлса, низо маъмурий ҳисобланади. Д.М. Чечот таъкидлаганидек, маъмурий органлар фуқаролар ёки ташкилотлар билан турли хил мазмундаги ҳуқуқий муносабатларда бўлиши мумкин: маъмурий, фуқаролик, ер, молиявий, меҳнат. Маъмурий ҳаракатлар баъзи ҳолларда нафақат маъмурий, балки бошқа (масалан, фуқаролик) оқибатларга олиб келади. Бундай ҳолатларда низо маъмурий характери йўқотади<sup>3</sup>.

Илмий тадқиқотларда оммавий-ҳуқуқий муносабат тушунчасига таъриф берилганда, унинг оммавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар эканлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, оммавий-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий хусусияти эса унда иштирок этувчи томонларнинг бири сифатида давлат ҳокимияти субъектининг иштирок этиши белгиланган. Илмий адабиётларда бундай қарашларнинг тарафдорлари кўпчилик эканлигини кўришимиз мумкин. Аммо, ҳозирги кунда оммавий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари сифатида бир томонда жисмоний ва юридик шахсларни, иккинчи томонда эса фақатгина давлат органларини эмас, балки ҳокимият ваколатлари берилган бошқа субъектларни ҳам учратиш мумкин. Хусусан, айрим давлат функциялари нодавлат ташкилотларига (фуқаролик жамияти институтларига) ўтказилмоқда. Бу ўз навбатида оммавий-ҳуқуқий муносабатларнинг бир томонида иштирок этувчи ҳокимият ваколатига эга бўлган субъектлар доирасининг кенгайишига олиб келади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судда низолашиш мумкин. Ушбу ҳолатда маъмурий судда оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб

---

<sup>3</sup> Чечот Д.М. Неисковое производство. М., 1973. С. 10.

чиқадиган низо кўриб чиқиладиганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳокимият ваколатига эга бўлган субъект сифатида намоён бўлади<sup>4</sup>.

“Оммавий ҳуқуқий низолар” атамасини биринчилардан бўлиб Ю.А.Тихомиров илгари сурган бўлиб, оммавий ҳуқуқий низо деганда, ваколатли органлар томонидан қонун билан белгиланган тартибда кўриб чиқиладиган ва оммавий (жамоат) характериға эга бўлган низоларни тушунган<sup>5</sup>. Шунингдек Ю.А.Тихомиров низо, агар унинг мазмуни ҳуқуқнинг оммавий соҳаларини (конституциявий, маъмурий, солиқ, молиявий, жиноий, халқаро оммавий ва бошқалар) қамраб оладиган бўлса, у оммавий ҳуқуқий низоларға тегишли бўлишини ҳам таъкидлаган. Бу борада маъмурий соҳада изланиш олиб борган олим Минина оммавий ҳуқуқий низоларни тор маънода, давлат бошқаруви органлари томонидан қонуний белгиланган ваколатни амалга ошириш мобайнида келиб чиқадиган низолар деб ҳисоблайди<sup>6</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, инвестиция фаолияти натижасида давлат органи ёки ҳокимият ваколати берилган органнинг қарори, ҳаракати(ҳаракатсизлиги) бўйича инвестор ва ушбу органлар ўртасида келиб чиқадиган низоларға оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи инвестициявий низо деб таъриф беришимиз мумкин.

Шу билан биргаликда, инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнида инвестор ва бошқа юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида вужудга келадиган низоларни оммавий-ҳуқуқий низолар жумласига киритиб бўлмайди. Ушбу турдаги низоларда давлат органи ёки ҳокимият ваколати берилган орган тараф сифатида қатнашмайди ва низонинг предмети иқтисодий характер касб этади.

---

<sup>4</sup> Э.Ҳожиёв, Ш.Шайзаков. Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академияси Ахборотномаси (2019, № 4 (40)). 32-бет.

<sup>5</sup> Тихомиров Ю. А. Публично-правовые споры // Право и экономика. 1998.№ 6. С. 8–13.

<sup>6</sup> Минина А.И. Критерии арбитрабельности спора // Актуальные проблемы российского права. 2014. № 5. С. 982–987.

Инвестициявий низо ҳақида мавжуд доктринал қарашларга назар соладиган бўлсак, С. Крупко инвестициявий низоларни тор ва кенг маънода тушуниш кераклигини таъкидлаган. Хусусан, кенг маънода инвестициялар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай низо инвестициявий низо деб тушунилса, тор маънода хорижий инвесторнинг муайян давлатга киритган инвестицияси бўйича қабул қилувчи давлат ва инвестор ўртасида вужудга келган низо тушунилиши лозимлигини қайд этган<sup>7</sup>. Е.В.Попов эса, инвестициявий фаолиятни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган низоли ҳолатларни ҳал қилиш юзасидан оптимал ечим излаш ёки келишмовчиликни бартараф қилиш бўйича ҳуқуқий муносабатлар комплекси – бу инвестициявий низо деб таъриф беради<sup>8</sup>.

Бундан ташқари, инвестиция низоси тушунчасини универсал кўп томонлама халқаро шартномаларда ҳам учратиш мумкин. Мисол учун, Европа энергетик ҳартиясининг 26-моддасига кўра, инвестициявий низо бу – Аҳдлашувчи давлат ҳудудига бошқа аҳдлашувчи давлатнинг инвестори томонидан киритилган инвестициялар бўйича биринчи аҳдлашувчи давлат ва инвестор ўртасидаги инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича юзага келган низодир<sup>9</sup>.

Вашингтон конвенциясининг 25-моддасида инвестициявий низолар давлат (ёки давлатнинг ҳар қандай ваколатли органи) ва бошқа давлатнинг шахси (юримдик ёки жисмоний) ўртасидаги инвестициялар билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқий низолар деб таърифланган. Инвестициявий низолар тоифасига аҳдлашувчи давлат ва бошқа аҳдлашувчи давлат шахслари ўртасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар билан боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган низолар киради, хусусан, хорижий инвестициялар билан боғлиқ муносабатлардан келиб

---

<sup>7</sup> Крупко С. Инвестиционные споры между государством и иностранным инвестором. Москва: БЕК, 2002. С.6

<sup>8</sup> Данельян А.А. Международно-правовой механизм урегулирования инвестиционных споров. – 2014. – №4 (112). – С. 103–108.

<sup>9</sup> Ст. 26-27 Договора к Энергетической Хартии. URL: <http://www.energycharter.org/fileadmin/DocumentsMedia/Legal/ECT-ru.pdf>.

чиқадиган инвестиция низолари, ахдлашувчи давлат ва хорижий хусусий инвестор ўртасида юзага келадиган низолар, ушбу инвестиция шартномаси бўйича томонларнинг мажбуриятларини бузганлиги бўйича келиб чиқадиган компенсация миқдори ва шартлари, томонларнинг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ ҳуқуқий низолар<sup>10</sup>.

Вашингтон конвенциясида инвестициявий низо тушунчасига кенгроқ таъриф берилган бўлиб, айнан қайси субъектлар ўртасида ва қандай турдаги низолар инвестициявий низо эканлиги очиб берилган бўлса, Европа энергетик ҳартиясида келтирилган тушунча умумий характер касб этади.

Бундан ташқари, инвестициявий низо тушунчасининг қандай турдаги ҳуқуқий муносабатларни қамраб олиши нафақат ушбу тушунчага берилган таърифда, балки инвестор ва инвестиция тушунчаларига берилган таърифга ҳам боғлиқдир. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси ва БАА ўртасида тузилган Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва химоя қилиш тўғрисидаги шартномада БААда доимий истиқомат қилсада фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистонга киритган инвестицияси бўйича низо келиб чиққан тақдирда предмет жиҳатидан низони ҳал қилиш учун Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги шартнома қўлланилиши мумкин бўлсада, ушбу шартномада инвестор тушунчаси фуқаролиги бўлмаган шахсларни қамраб олмаслиги сабабли ушбу шартнома қоидалари қўлланилмайди.

Илмий адабиётларда инвестициявий низо тушунчаси уларни тааллуқлилиги ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда турлича талқин қилинган бўлиб, М.М.Богуславский<sup>11</sup> уларни куйидагича шарҳлаган:

- Халқаро тажрибада тушуниладиган хорижий инвестор ва инвестицияларни қабул қилувчи давлат ўртасида вужудга келадиган низолар инвестициявий низолар деб тушунилади. Ушбу тоифага давлат томонидан инвестор мулки маҳаллийлаштирилиши ва бошқа мажбурий

---

<sup>10</sup> Вашингтонская конвенция от 1965 года.

<sup>11</sup> Дanelьян А.А. Международно-правовой механизм урегулирования инвестиционных споров. – 2014. – №4 (112). – С. 103–108.



ҳаракатлар натижасида компенсация тўлаш, ҳарбий конфликтлар натижасида етказилган зарарни қоплаш вабошқа аналогик ҳолатларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

- қўшма корхона иштирокчилари(шериклар) ўртасидаги, иштирокчилардан бири билан қўшма корхона иштирокидаги низолар. Ушбу турдаги низолар хорижий инвесторлар ва корхоналар иштирокидаги ўртасида вужудга келади.

С.Крупко инвестициявий низоларни бир мунча тор маънода талқин қилиб бир қатор классификаторларга бўлишни таклиф қилган. Хусусан, талаб қилиш характериға кўра инвестициявий низолар қуйидагиларға бўлинади:

- хусусий ҳуқуқий – зарарни қоплаш, санкцияларни ундириш, инвестиция шартномасиға ўзгартириш киритиш ҳақида;

оммавий-ҳуқуқий – компенсация тўлаш, экспроприация принциплариға риоя қилиш бўйича;

аралаш – инвестор томонидан ҳам хусусий-ҳуқуқий ҳам оммавий-ҳуқуқий талабнинг қўйилиши билан боғлиқ.

Инвестициявий низонинг предметиға бўйича:

- Инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалға оширишға рухсат бериш билан боғлиқ низолар. Масалан, конкурсда иштирок этишға рухсат бермаслик ёки инвестиция шартномасини тузишдан бош тортиш ва бошқалар.

- Инвестиция фаолиятининг реализацияси бўйича низолар. Бу тоифадаги низоларға инвестиция шартномасининг тўлиқ ёки бир қисми ҳақиқийлиги, шартнома шартларини шарҳлаш, шартнома шартларини ўзгартириш, тарафлар томонидан шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, инвестицияни қабул қилувчи давлат томонидан бир томонлама инвестиция фаолиятиға аралаштиш, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиш киради.

Доктринал манбаларда келтирилган тушунчаларни таҳлил қиладиган бўлсак, кўпчилик олимлар низонинг тарафлари инвестор ва инвестицияни қабул қилувчи давлат бўлиши ҳамда низо инвесторнинг инвестициявий фаолиятига даҳлдор бўлиши лозимлиги ҳақида бир хил позицияни билдирган. Аммо, ҳар доим ҳам инвестициявий низонинг

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, хусусий муносабатлардан келиб чиқувчи ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи инвестициявий низоларни бир-биридан фарқларини ажратиб олишимиз лозим. Чунки низонинг турига қараб қўлланиладиган қонун нормаси ва низони ҳал қилиш тартиби фарқ қилади. Инвестор ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва амалга ошириш борасида қатор механизмлардан фойдаланиши мумкин. Хусусан, келишув(медиация) орқали, тадбиркорлик субъектлари ёки давлат органлари билан инвестор ўртасида тадбиркорлик соҳасида келиб чиққан низоларни иқтисодий судларда ҳал қилиш, давлат органлари ва ҳокимият ваколати берилган органлар билан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни маъмурий судларда ҳал қилиш, давлат билан келиб чиқадиган низоларни инвесторнинг келиб чиқиш давлати ва инвестицияларни қабул қилувчи давлат ўртасидаги икки томонлама ёки кўп томонлама халқаро шартномага мувофиқ(мавжуд бўлса) келишилган арбитраж ёки бошқа суд орқали ҳал қилиш ва бошқалар.

Ушбу ҳолатда, ҳар бир низони ҳал қилиш механизми турли низоларни ҳал қилишга мўлжалланганлиги ва қайси бири эффектив эканлиги жиҳатидан инвесторда низони ҳал қилиш учун қайси йўлни танлашдек муаммо туғилиши мумкин. Инвестор низонинг предметига мутаносиб равишда ҳимоя механизmidан фойдаланиши зарур. Масалан, инвестор ва тадбиркорлик субъекти ўртасида ўзаро тадбиркорлик фаолияти бўйича низо келиб чиққан тақдирда, низо ўзаро келишув, иқтисодий судга ёки икки тадбиркор томонидан шартнома асосида келишилган судга мурожаат қилиш орқали ҳал қилиниши мумкин. Ёки, инвестор ва давлат органи ўртасида инвестиция шартномаси бўйича низо келиб чиққан

тақдирда, низо тааллуқлилигига қараб маъмурий ёки иқтисодий судлар томонидан ҳал қилиниши мумкин. Ушбу ҳолатда инвестор айнан қандай турдаги низолар иқтисодий ва маъмурий судларга тааллуқли эканлигини ажрата олиши лозим.

Охирги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида инвестициявий низолар тушунчаси қонун доирасида мустақамланиб, инвестициявий низоларни кўриб чиқиш механизми такомиллаштирилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сонли Фармонининг 3-банди билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг Олий суд тузилмасида йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар (кейинги ўринларда – йирик инвесторлар) ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш ваколати берилган судлов таркибини (кейинги ўринларда – Судлов таркиби) тузиш ҳақидаги таклифи маъқулланган.

Фармон билан, шунингдек, инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Судлов таркиби томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши;

қолган инвестициявий низолар инвесторларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкинлиги белгиланган.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-662-сонли<sup>12</sup> ва “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-663-сонли<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул килинди. Ушбу қонунлар билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Жумладан, МСИЮТК маъмурий судларга тааллуқли бўлган “Инвестициявий низолар бўйича ишлар” тушунчаларини ёритиб берувчи 27<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилди.

Хусусан, инвестициявий низолар жумласига инвесторлар билан маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорлари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги маъмурий судга тааллуқли низолар киради.

ИПКнинг 25-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, иқтисодий судга инвестициявий низолар бўйича ишлар тааллуқлилиги белгилаб қўйилди.

Хусусан, ИПК инвестициявий низолар бўйича ишлар жумласига кирувчи низоларнинг рўйхати келтирилган 30<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилди.

Бунда инвестициявий низолар бўйича ишлар, низо келиб чиққан ҳуқуқий муносабат иштирокчиси юридик ёки жисмоний шахс бўлишидан қатъи назар, иқтисодий суд томонидан кўрилиши белгилаб қўйилди.

---

<sup>12</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/662/0012-сон.

<sup>13</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/662/0013-сон.

МСИЮтКнинг 26-моддасида белгиланган ишларнинг тааллуқлилигига кўра, маъмурий суд давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.

ИПКнинг 25-моддасида белгиланган ишларнинг тааллуқлилигига кўра, иқтисодий суд иқтисодиёт соҳасида давлат органлари ва инвесторлар ўртасидаги уларнинг инвестиция фаолиятдан келиб чиқадиган фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларни ҳал этади.

“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 63-моддасида инвестициявий низога чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо киритилган.

Бироқ процессуал қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардаги “инвестициявий низолар бўйича ишлар” тушунчаси чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо билан чекланмаган. Чунки бундай низонинг тарафи маҳаллий инвестор ҳам бўлиши мумкин. Бунда инобатга олиш керакки, процессуал қонунчилик давлат органи ва инвестор ўртасидаги унинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай низони ҳам инвестициявий низо сифатида таснифламайди.

Хусусан, МСИЮтКда инвестициявий низолар жумласига инвесторлар билан маъмурий органлар ўртасидаги улар мансабдор

шахсларининг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорларига, ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир ишлар киритилган (27<sup>1</sup>-модда).

ИПК 30<sup>1</sup>-моддасига кўра, инвестициявий низолар бўйича ишлар жумласига қуйидагилар киради:

1) инвестиция шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ низолар;

2) инвестиция шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар;

3) инвестиция шартномасининг бажарилиши билан боғлиқ низолар;

4) инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган солиққа, божхонага оид, ижтимоий, экологик мажбуриятларнинг ва бошқа мажбуриятларнинг инвестор томонидан бажарилиши билан боғлиқ низолар;

5) инвестиция шартномаси бўйича инвесторга берилган мол-мулкни талаб қилиб олиш, шунингдек, бундай шартнома бўйича неустойка ундириш ва (ёки) зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги низолар.

Бундан кўриниб турибдики, Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонунда берилган инвестиция низоси тушунчаси тор маънога эга бўлиб, уни амалдаги халқаро шартномаларга ҳамда процессуал қонунчиликка мутаносиб равишда ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

Икки суд тизими томонидан кўриладиган инвестициявий низоларни таҳлил қиладиган бўлсак, инвестициявий низо тушунчаси турлича талқин қилинган. МСИЮтКда ишлар доираси инвесторлар билан маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорларига, ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир ишлар киради деб белгиланган. Шунга ўхшаш нормани ИПКнинг 30<sup>1</sup> –моддасида ҳам кўриш мумкин, бироқ умумий тушунча турличадир. Маъмурий судларда ишни кўришнинг умумий асосларидан келиб чиқсак, мазкур судларнинг вазифаси маъмурий органларнинг қарорлари,

ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигини ғайриқонуний деб топиш ҳисобланади. Шунга қарамасдан МСИЮтКнинг 27<sup>1</sup>–моддасига кўра, маъмурий судлар маъмурий органнинг шартнома шартларига риоя қилишини ҳам кўриб ҳал этиши мумкин. Бундай ҳолатда агар инвесторга маъмурий органнинг шартнома шартларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида моддий зарар келиб чиқса, бу низони ҳам мантиқан маъмурий судлар кўриб ҳал этиши керак. Бироқ етказилган зарар ўрнини қоплаш масаласи МСИЮтКда эмас, ИПКда ақс этмоқда.

Бундан ташқари, Иқтисодий процессуал кодекс доирасида инвестициявий низоларни кўриб ҳал этиш масаласига тўхталсак, мазкур кодексда субъектлар доираси аниқ ажратилмаган бўлиб, иқтисодий судларга инвестиция низолари бўйича мурожаат қилувчи субъектларнинг доирасига маъмурий органлар кириш ёки кирмаслиги тўғрисида аниқ бир кўрсатма мавжуд эмас. Қонунчиликдаги бундай ноаниқликлар шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлиқ амалга оширилишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Шу билан биргаликда, иқтисодий судларга тааллуқли низолар жумласига инвестиция шартномасининг бажарилиши билан боғлиқ низолар ҳам киритилган. Юқоридаги қонуннинг 3-моддасида инвестиция фаолияти субъектлари ўртасида тузиладиган, инвестиция шартномаси тарафларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган ёзма битим инвестиция шартномаси эканлиги кўрсатилган. Худди шу қонуннинг 9-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, яқка тартибдаги тадбиркорлари ва юридик шахслари — резидентлари, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, чет давлатлар, чет давлатларнинг маъмурий ёки ҳудудий органлари, халқаро ташкилотлар ҳамда чет эллик юридик шахслар ва фуқаролар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар инвестиция фаолиятининг субъектлари эканлиги қайд қилинган.

Ушбу нормалардан кўриниб турибдики, иқтисодий судлар судловига тааллуқли инвестиция шартномасининг бажарилиши билан боғлиқ низоларда тараф сифатида давлат бошқарув органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам чиқишлари мумкин. Бу ҳолатда иқтисодий ёки маъмурий суд судловига тааллуқлиги борасида низо вужудга келиши мумкин.

Мазкур масала юзасидан кўшни Қозоғистон қонунчилигига эътибор қаратиладиган бўлса, Қозоғистон Республикасининг 2015 йил 30 октябрда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодекси<sup>14</sup>нинг 27-моддасига асосан, Нур-Султан шаҳрининг туманлараро иқтисодий суди Нур-Султан шаҳрининг туманлараро маъмурий судига тааллуқли бўлмаган инвестиция низолари ҳамда инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган давлат органлари томонидан инвесторга нисбатан тақдим қилинадиган ҳуқуқлардан вужудга келадиган низоларни кўйидаги ҳолатларда кўриб чиқади. Агар низолар:

Қозоғистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган чет эл юридик шахси(унинг филиали, ваколатхонаси);

чет эл иштирокида ташкил қилинган юридик шахс, шунингдек, овоз берувчи улуш(акция)нинг ярмидан кўпи чет эл инвесторига тегишли бўлган;

Давлат билан инвестиция тўғрисида шартномаси бўлган инвесторга нисбатан кўриб чиқиладиган бўлса.

Шунингдек, Қозоғистон Республикасининг 2020 йил 29 июлда қабул қилинган Қозоғистон Маъмурий жараён-процессуал кодекси<sup>15</sup> 102-моддаси 3-қисмига кўра, Нур-Султан шаҳрининг туманлараро маъмурий суди инвесторларнинг маъмурий органлар, улар мансабдор шахсларининг

---

<sup>14</sup> Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан.

<https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1500000377#z27>

<sup>15</sup> Административно-процедурно процессуальный кодекс Республики Казахстан.

<https://adilet.zan.kz/rus/docs/K2000000350>



маъмурий актлари, ҳаракат ва ҳаракатсизлиги устидан бериладиган шикоятларни кўриб чиқади деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Мазкур хорижий тажрибадан маълумки, Қозоғистон Республикасида инвестиция соҳасида вужудга келадиган низолар ва субъектлар доираси ҳамда ҳар иккала суд тизимига мурожаат қилишдаги даъво талаблари аниқ қилиб ажратиб қўйилган. Бундай ҳолат эса судларда судловга тааллуқлилиқ юзасидан низолар келиб чиқишининг олдини олади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон қонунчилигида қуйидагиларни мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

биринчидан, инвестиция низоси ҳақидаги ягона тушунчани ишлаб чиқиш ҳамда уни қонунчиликда бир ҳилда талқин қилинишига эришиш;

иккинчидан, инвестиция низоларининг маъмурий ёки иқтисодий судга тааллуқлилиги борасида аниқ чегараларни белгилаб бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## **1.2. Инвестициявий фаолият ва уни тартибга солишнинг назарий-ҳуқуқий манбаларининг таснифи**

Мамлакатимизда инвестиция соҳаси асосан қонун ва қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлиб, уни эмпирик ва доктринал жиҳатдан ўрганиш деярли амалга оширилмаган. Инвестиция ҳуқуқини доктринал жиҳатдан ўрганиш мазкур институтни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Чунки ҳар қандай ҳуқуқ институтининг туб асоси илмий изланиш ва доктринал қарашлар(гипотезанинг пайдо бўлиши)га бориб тақалади.

Шу жиҳатдан хорижий ва миллий олимларнинг инвестициялар ва инвестиция ҳуқуқи ҳақидаги фикрларига тўхталиб ўтиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Д.Карро ва П.Жулярд “инвестициялар” атамаси иқтисодий категория билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, “инвестиция ҳуқуқи ўзида иқтисодий таърифни акс эттирган бўлиши керак деган фикрни илгари суришган<sup>16</sup>.

Шунингдек, профессор П.Вахриннинг фикрига кўра, инвестициялар – бу капитални сақлаш ёки кўпайтириш ёхуд даромад олиш мақсадида йўналтириш усули, бошқа сўзлар билан айтганда, сармояни киритиш ва кўпайтириш мумкин бўлган ҳар қандай инструментдир<sup>17</sup>.

Ўзбек олимлари ҳам инвестиция ва инвестор тушунчаларига таъриф бериб ўтганлар. Миллий олимларимизнинг фикрига кўра, инвестициялар тушунчаси - бир қатор маъноларга эга бўлиб, фойда олиш мақсадида акция, облигация сотиб олиш, товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган реал активларни сотиб олиш ва ишлаб чиқариш учун сарфланиши тушунилади, яъни инвестициялар ҳар қандай восита бўлиб, пулнинг қийматини сақлайди ёки унинг қийматини кўпайтиради ва ижобий даромадлар олишни

---

<sup>16</sup> Сарро Д., Зҳюяр П. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ: дарслик / таржима. француз тилидан В.П. Серебреникова, В.М. Шумилова. М.: Стажёр. муносабатлар, 2001 йил.

<sup>17</sup> Вахрин П. И. Инвестиции. М.: Дашков и К°, 2002. С. 17.

таъминлайди. Инвестиция мамлакат иқтисодиётини ўстириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган механизмларни таъминлайди. Бошқача қилиб айтганда, инвестициялар капитал қийматининг ўсишини ва даромад келтиришини таъминлайди. Бундан келиб чиқадики, инвестициялар тушунчасини ягоналаштириш мақсадида ҳуқуқшунос иқтисодчи билан умумий қарашга эга бўлиши керак. Бироқ, афсуски, иқтисодда "инвестициялар" тушунчаси бўйича ягона, умумэътироф этилган позиция мавжуд эмас. Шуларни ҳисобга олиб, ҳуқуқ соҳасида мавжуд бўлган "инвестициялар" мазмунини аниқлаш бир мунча қийинчиликларни вужудга келтиради.

Инвестиция тушунчаси иқтисодий категория билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги боис унинг моҳияти юридик доктринал манбаларда турлича талқин қилинади. Шунга қарамасдан, назарияларнинг умумий жиҳатлари асосида инвестиция тушунчасига берилган илмий таърифларни бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Хусусан, А.Г.Богатырев, И.В.Ершова, И.Н.Лебединец, С.П.Мороз, П.В.Сокол, G.Schwarzenberger фикрлари бўйича инвестиция фаолияти объектларига йўналтириладиган фуқаролик ҳуқуқи объекти бу инвестициядир.

Мисол учун, G.Schwarzenberger инвестиция ва мулк категорияларини синоним деб фикр билдирган<sup>18</sup>. И.В.Ершованинг фикри бўйича инвестиция бу – фойда олиш ёки бошқа фойдали мақсадга эришиш учун тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларига киритиладиган пул қийматига эга бўлган моддий ва номоддий фойда ҳисобланади<sup>19</sup>. Иқтисодий категория сифатида инвестиция капитални ошириш мақсадида қилинадиган харажат бўлиб, фуқаролик ҳуқуқи объекти ҳисобланади. Шу жиҳатдан инвестиция тушунчасига юқорида берилган иқтисодий ва юридик таърифлар умумий характер касб этади. Аммо, инвестиция тушунчасининг махсус белгилари олимларнинг фикрига кўра ҳам халқаро ҳужжатларга кўра ҳам ўзаро фарқ

---

<sup>18</sup> Schwarzenberger G. Foreign Investments and International Law. — New York, 1969. P. 17.

<sup>19</sup> Ершова И.В. Предпринимательское право: Учебник. — М.: ИД «Юриспруденция», 2009. — С. 442.

қилади. Шу сабабли инвестиция тушунчаси амалиётда турлича талқин қилинади.

Мазкур ҳолатда энг асосий эътибор халқаро даражадаги инвестиция муносабатларининг турли жиҳатларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларга, биринчи навбатда, кўп томонлама халқаро шартномаларга, кейин эса Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мурожаат қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Н.Г.Доронин ва Н.Г.Семилютинларнинг таъкидлашича халқаро инвестиция шартномалари икки турга бўлинади: биринчи турдаги инвестиция шартномалари ўзида инвесторларнинг ҳуқуқларини химоя қилишга, иккинчи турдаги инвестиция шартномалари эса, инвестицияларни тўғридан-тўғри тартибга солишга қаратилган бўлади<sup>20</sup>. Биринчи турдаги шартномаларнинг ҳуқуқий асосларини кўп томонлама инвестицияларни кафолатлаш агентлигини ташкил этиш тўғрисидаги Сеул конвенцияси, иккинчи турдаги шартномаларнинг ҳуқуқий асосларини эса, Европа энергетик хартияси белгилаб берган.

Европа энергетик хартиясининг 1-моддаси 6-қисми<sup>21</sup>да келтирилган энергетика соҳасидаги инвестициялар тушунчаси – инвесторга бевосита ёки билвосита қарашли бўлган ёки қўл остидаги ҳар қандай активлар, жумладан ашёвий ва мулкӣ ҳуқуқлар, талаб қилиш ҳуқуқи, интеллектуал мулк, акциялар, ҳиссалар ёки компания ёки хўжалик корхонасининг устав фондида иштирок этишнинг бошқа шакллари, компания(тадбиркорлик субъекти)нинг қарз мажбуриятлари ҳамда ҳар қандай иқтисодий фаолиятни амалга оширишга оид ҳуқуқлар.

Ўз навбатида, Сеул конвенциясининг 12-моддасига кўра, инвестициялар ўз ичига акциядорлик иштирокини, шу жумладан акциядорлар томонидан манфаатдор корхонага берилган ёки улар

---

<sup>20</sup> Доронина Н.Г., Семилютин Н.Г. Международное частное право и инвестиции: монография. Доступ из справ. -правовой системы «КонсультантПлюс».

<sup>21</sup> <http://www.energycharter.org/fileadmin/DocumentsMedia/Legal/ECT-ru.pdf>.

томонидан кафолатланган ўрта ва узоқ муддатли кредитларни, шунингдек, Кўп томонлама инвестицияларни кафолатлаш агентлигининг директорлар кенгаши томонидан белгиланиши мумкин бўлган тўғридан-тўғри инвестиция шакллари ўз ичига олади.

Умуман олганда, Европа энергетика хартияси шартномаси ҳам, Сеул конвенцияси ҳам активлар орқали инвестициялар мазмунини очиб беради, аммо бу таърифларни бир хил деб баҳолаб бўлмайди. Г.М.Веляминовнинг сўзларига кўра, инвестицияларнинг анъанавий тушунчалари ҳар хил, чунки улар фақат маълум бир мақсад ёки муайян ҳужжатни қамраб олади<sup>22</sup>.

Мисол учун, Сеул конвенцияси инвестицияларни фақат уларнинг кафолати билан боғлиқ ҳолда таърифлайди, яъни ушбу халқаро конвенциянинг нормалари муайян инвестицияларни ҳимоя қилиш мақсадида қўлланилиши учун улар ушбу ҳужжатда белгиланган талабларга мос келиши керак. Инвестициялар конвенция талабларига мос келмаса, унинг механизмлари билан ҳимояланмайди, аммо улар табиатига кўра инвестиция бўлиб қолаверади.

Эндиги навбатда миллий қонунчиликка кўра инвестициялар тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мақомига тўхталиб ўтамиз. Ўзбекистон Республикасининг 27 январь 2020 йилдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига асосан, инвестициялар – инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

---

<sup>22</sup> Веляминов Г.М. Международное экономическое право и процесс: учебник. М., 2004.

маблағларни, шу жумладан пул маблағларини (шу жумладан чет эл валютасини), мақсадли банк омонатларини, пайларни, улушларни, акцияларни, облигацияларни, векселлар ва бошқа қимматли қоғозларни;

кўчар ва кўчмас мол-мулкни (бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар ва бошқа моддий қимматликларни);

интеллектуал мулкка доир мулккий ҳуқуқларни, шу жумладан у ёки бу ишлаб чиқариш турини ташкил этиш учун зарур бўлган, техник ҳужжатлар, кўникмалар ва ишлаб чиқариш тажрибаси тарзида расмийлаштирилган, патентланган ёки патентланмаган (ноу-хау) техник, технологик, тижоратга оид ва бошқа билимларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида тақиқланмаган бошқа қимматликларни. Мазкур тушунча ҳам умумий аҳамият касб этиб, тарафлар ўртасида тузилган инвестиция шартномаларидагина тушунча айнан ойдинлашади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида 2017 йил 25 октябрда тузилган “Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида”ги битимнинг 1-моддасига асосан, “инвестиция” атамаси аҳдлашувчи томон давлати ҳудудида давомий иқтисодий алоқалар ўрнатиш мақсадида унинг қонунчилигига мувофиқ қўлга киритилган ва инвестиция хусусиятларига эга бўлган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай турдаги активни англатади ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олади, бироқ бу билан чекланиб қолмайди:

(а) кўчар ва кўчмас мулк, шунингдек, ипотека, лизинг, гаров каби бошқа ҳар қандай ҳуқуқлар ҳамда ҳудудида мулк жойлашган Аҳдлашувчи Томон давлати қонунчилигига мувофиқ белгиланган шунга ўхшаш бошқа ҳар қандай ҳуқуқлар;

(b) реинвестиция қилинган даромадлар;

(c) пул маблағлари ёки инвестициялар билан боғлиқ иқтисодий қийматга эга ҳар қандай бошқа ҳуқуқлар бўйича талаблар;

(d) улушлар, қимматли қоғозлар ёки компанияларда иштирок этишнинг ҳар қандай бошқа шакллари;

(e) саноат ва интеллектуал мулк ҳуқуқлари, шу жумладан, патентлар, саноат намуналари, техник жараёнлар, товар белгилари, ишчанлик нуфузи (гудвилл) ва ноу-хау;

(f) ҳар бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг қонунчилигига мувофиқ ёки шартнома асосида қўлга киритилган тадбиркорлик концессиялари, шу жумладан, табиий ресурслар билан боғлиқ концессиялар.

Юқоридаги нормадан кўриниб турибдики, ҳар бир инвестиция шартномасида инвестиция тушунчасига алоҳида таъриф берилади ва унинг таркибий тузилиши ҳам кўрсатиб ўтилади.

Шундай қилиб, халқаро миқёсда инвестициявий муносабатларнинг турли томонларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларда инвестицияларнинг мазмуни турли активларни (қийматларни) ўтказиш орқали талқин қилинади. Бироқ, юридик адабиётларда бундай ёндашув ҳар доим ҳам тўғри бўлмаган. Демак, М.Сорнаражанинг фикрича, инвестициялар ҳали ҳам моддий ва номоддий активларни инвестиция қилиш йўли билан белгиланиши керак, бунда улардан активлар эгасининг тўлиқ ёки қисман назорати остида фойда олиш учун фойдаланиш мумкин<sup>23</sup>.

Аксинча, В.В.Гушчин, А.А.Овчинниковнинг фикрича, инвестицияларни мулк билан идентификация қилиш уларни инвестициялар билан боғлиқ бўлмаган бошқа мулкдан ажратишга имкон бермайди, бу фақат терминологик чалкашликка олиб келади<sup>24</sup>. А.М. Антипова ҳам инвестицияларни тушунишнинг асосий нуқтаси – бу инвестор томонидан қўйилган активларнинг йиғиндиси эмас, балки активларни инвестиция қилиш билан боғлиқ муносабатларнинг ўзи эканлигини таъкидлаган<sup>25</sup>.

Ушбу фикрларга қўшилмаслик қийин, аммо инвестициялар тушунчасига оид назария ва тартибга солишда фарқлар бўлишига

---

<sup>23</sup> Sornarajah M. The international law on foreign investment. Cambridge: Cambridge University press, 2004.

<sup>24</sup> Investicionnoe pravo: uchebnik / V.V. Gushhin A.A. Ovchinnikov. M.: Eksmo, 2006.

<sup>25</sup> Антипова О.М. Правовое регулирование инвестиционной деятельности (анализ теоретических и практических проблем). Доступ из справ.-правовой системы «КонсультантПлюс».

карамасдан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида бу муҳим аҳамият касб этмайди ва коллизияга сабаб бўлмайди.

Шундай қилиб, ҳуқуқ соҳасида инвестициялар тушунчасига ягона ва универсал таъриф мавжуд эмас. Аммо, инвестицияни фуқаролик ҳуқуқи объектлари орқали эмас, балки сармоя киритиш жараёни сифатида талқин қилиш асослидир. Чунки, инвестицияларга тушунча беришда фуқаролик ҳуқуқи объектларини санайдиган бўлсак, фуқаролик ҳуқуқи объекти билан бир қаторда инвестиция тушунчасини ажратиб кўрсатиш нотўғри ҳисобланар эди.

Умумий қилиб айтганда, инвестициялар тушунчасининг қуйидаги умумий хусусиятларини ажратиб кўрсатишимиз лозим:

- инвестиция – бу ҳаракат(фаолият) сифатида;
- пул қийматига эга бўлган фуқаролик ҳуқуқи объектларини сармоя қилиб киритиш;
- муайян мақсадни кўзлаб инвестиция киритиш (даромад қилиш, бошқа фойдали натижага эришиш учун).

Шундай қилиб, инвестицияларни кенг тушунча сифатида даромад қилиш ёки бошқа фойдали натижага эришиш мақсадида пул қийматига эга бўлган фуқаролик ҳуқуқи объектларини сармоя сифатида киритиш деб таърифлаш мумкин. Тор маънода эса муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат доирасида тартибга солиш мақсад қилинган муносабатларга мутаносиб равишда аниқ қилиб белгиланиши ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат мақсад ва мазмуни ўзгариши билан ўзгариб бориши керак.

Инвестициялар тушунчасини аниқ қилиб белгиланишининг яна бир аҳамиятли жиҳати тушунчани аниқ белгиланиши натижасида қўлланиладиган муносабатлар доираси ҳам белгилаб берилади. Хусусан, Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги 1965 йилдаги Вашингтон конвенциясида инвестициялар тушунчасига таъриф берилмаган. Аммо конвенциянинг 25-моддасида Инвестициявий низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро



марказнинг юрисдикцияси қуйидагича қилиб белгиланган: Марказнинг юрисдикцияси ахдлашувчи томон (ушбу давлат томонидан ваколат берилган ва марказга билдирилган ҳар қандай орган) ва бошқа ахдлашувчи томоннинг жисмоний ёки юридик шахси ўртасида вужудга келадиган инвестициялар билан боғлиқ ҳар қандай ҳуқуқий низога агарда тарафлар ёзма равишда марказга ушбу турдаги низони беришга келишига бўлса, жорий қилинади. Бундай келишувга эришилгандан кейин тарафлар уни бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди<sup>26</sup>.

Ушбу ҳолатда инвестициялар тушунчасига таъриф берилиши мазкур соҳа бўйича вужудга келиши мумкин бўлган низоларнинг юрисдикцияси чегарасини аниқлаб бериши мумкин. Аммо, юқоридаги конвенцияда инвестициялар тушунчасига таъриф берилмаганлиги сабабли, уни талқин қилиш мақсадида халқаро ҳуқуқнинг манбалари сифатида доктриналар ва суд прецедентига мурожаат қилиш лозим. Марказ томонидан кўрилган *Kaiser Bauxite Co v. Government of Jamaica*<sup>27</sup> ишида жавобгарнинг фойдали қазилмаларни қазишда қисқа муддатли сармоялар инвестиция ҳисобланмаслиги ёки *Colt Industries v. Korea*<sup>28</sup> ишида жавобгарлар қурол ишлаб чиқариш учун лицензия бериш инвестиция ҳисобланмаслиги ҳақидаги вазлари инобатга олинмаган. Ушбу ҳолатда жавобгар давлатларнинг ички қонунчилигига кўра киритилган сармоя инвестиция ҳисобланмасада юқоридаги Марказ халқаро шартномага мувофиқ даъвогарларнинг фаолиятини инвестиция фаолияти деб баҳолаган.

Марказ томонидан *Fedax NV v. Republic of Venezuela*<sup>29</sup> ишини кўриб чиқишда инвестициялар тушунчаси бўйича қуйидагича низо келиб чиққан. Венесуэланинг қарз мажбуриятлари бошқа шахсга ўтиши натижасида уларга Голландиянинг “Fedax” корхонаси Венесуэла давлати билан бирор-

---

<sup>26</sup><https://www.jus.uio.no/lm/icsid.settlement.of.disputes.between.states.and.nationals.of.-other.states.convention.washington.1965/25.html>.

<sup>27</sup> ICSID Case No. ARB/74/3 // ICSID Reports. 1993.

<sup>28</sup> ICSID Case No. ARB/84/2 ICSID Reports. Vol. 3. 1995.

<sup>29</sup> ICSID Case No. ARB/96/3. URL: [http://www.italaw.com/sites/default/files/-casedocuments/ita0316\\_0.pdf](http://www.italaw.com/sites/default/files/-casedocuments/ita0316_0.pdf) (дата обращения – 01 июня 2014 г.).

бир ҳуқуқий муносабатга киришмасдан туриб ҳамда давлат ҳудудига инвестиция киритмасдан туриб эга бўлади. Ушбу ҳолатда Венесуэла вакиллари қарз мажбуриятларига эга бўлиш инвестиция ҳисобланмаслиги ҳақида важ келтиришсада, марказ уларнинг фикрларига қўшилмасдан инвестицияларнинг қуйидаги белгиларини алоҳида санаб ўтишган:

- сармоя киритишнинг муддатлилиги;
- даромад ёки фойда олинишини кутилиши;
- инвестор томонидан ўзига хавф олиши;
- қабул қилувчи давлатни ривожланиши учун инвестицияларни

аҳамияти.

Ушбу белгиларни шакллантирилиши Марказ томонидан кейинги ҳал қилинган ишларда инвестициялар тушунчасини талқин қилиш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Инвестициялар тушунчаси аниқ белгилаш билан бир қаторда уни амалга оширувчи инвестор тушунчасини ҳам аниқлаш ушбу турдаги муносабатларни тартибга солишнинг муҳим элементи ҳисобланади. И.З.Фархутдиновнинг фикрига кўра, бу биринчидан бу миллий қонунчилик ва халқаро шартномаларга асосан тегишли ҳуқуқ ва имтиёзлар берилишига боғлиқ бўлса, иккинчидан рўйхатдан ўтиш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда рухсат беришга боғлиқдир<sup>30</sup>.

Миллий ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб инвестор тушунчасида ҳам фарқлар бор эканлигини кузатиш мумкин. Бу борада умумий тушунча инвестиция фаолиятини амалга оширувчи субъект бўлсада, махсус белгиларига кўра инвестор турли давлатларда турлича талқин қилинади.

Агарда шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестор деб тан олинган бўлса, унга нисбатан инвесторнинг келиб чиқиш давлати билан тузилган инвестиция шартномасида кўрсатилган кафолатлар қўлланилади.

---

<sup>30</sup> Фархутдинов И.З. Международное инвестиционное право: теория и практика применения. М.: «Болтер Клувер», 2005 г.

Миллий қонунчиликда инвестор тушунчаси қонун доирасида мустаҳкамланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрьдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасига кўра, инвестор — фойда олиш мақсадида инвестиция фаолияти объектларига ўзининг маблағларини ва (ёки) қарз маблағларини ёхуд жалб қилинган бошқа инвестиция ресурсларини инвестиция қилишни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъектидир. Шунингдек, ушбу моддада чет эллик инвестор тушунчасига ҳам алоҳида таъриф берилган. Унга кўра, чет эллик инвесторлар — чет давлатлар, чет давлатларнинг маъмурий ёки ҳудудий органлари, давлатлар ўртасидаги битимларга ёки бошқа шартномаларга мувофиқ тузилган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъекти бўлган халқаро ташкилотлар, чет давлатларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган ва фаолият кўрсатадиган юридик шахслар, ҳар қандай бошқа ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар, чет давлат фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслардир.

Ушбу қонун билан маҳаллий инвестор ва чет эллик инвестор тушунчалари алоҳида алоҳида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартномаларида эса ушбу тушунчалар бир мунча аниқ ва тор доирада берилган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида 06.06.2011 йилда тузилган “Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида”ги битимнинг 1-моддасига кўра, “Инвестор” атамаси Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бирига нисбатан:

а) бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг миллий қонунчилигига мувофиқ унинг фуқаролигига мансуб бўлган ва иккинчи Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида инвестицион фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган исталган жисмоний шахсни;

б) ушбу Аҳдлашувчи Томоннинг миллий қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган, шартли равишда иккинчи Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида инвестицион фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган исталган юридик шахсни, ва

с) Аҳдлашувчи Томонни.

Қонун ҳужжатлари ва юқорида келтирилган икки томонлама Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимда келтирилган инвестор тушунчасига турли хил таъриф берилиши ушбу ҳужжатларни қўлланилишида бир мунча тушунмовчиликка сабаб бўлади. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликлари ҳудудида истиқомат қиладиган, аммо, фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича хорижий инвестор деб тан олинсада, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасидаги Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимда кўрсатилган кафолатлар қўлланилмайди. Чунки, битимда кўрсатилган кафолатлар қўлланилиши учун жисмоний шахс битимнинг 1-моддасида келтирилган аҳдлашувчи томон давлатининг фуқаролигига мансуб бўлиш ҳақидаги талабига жавоб бериши керак бўлиб, фуқаролиги бўлмаган шахслар бундан мустасно.

Ушбу ҳолатда фуқаролиги бўлмаган шахс ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ёки бошқа давлат органлари ўртасида инвестициявий шартнома тузилган бўлса ҳамда шартномада низо келиб чиққан тақдирда халқаро арбитраж судида кўриб чиқилишига келишилмаган бўлса, низо фақатгина Ўзбекистон судлари томонидан кўриб ҳал қилиниши лозим.

Бундан ташқари, Европа энергетика хартияси шартномасида инвестор тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Инвестор – Аҳдлашувчи томоннинг фуқаролигига эга бўлган, миллатига мансуб бўлган ёки амалдаги қонунчилигига мувофиқ ушбу давлатда доимий яшовчи жисмоний шахслар;

Аҳдлашувчи томоннинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ташкил қилинган ташкилот ёки корхона;

Учинчи тарафлар учун ушбу субпараграфда кўрсатилган талабларни Аҳдлашувчи тараф учун бажарган жисмоний ва юридик шахслар”<sup>31</sup>.

Бундан кўриниб турибдики, Европа энергетика хартиясида инвестор тушунчасига берилган таъриф икки томонлама инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳақидаги шартномаларда келтирилган таърифдан кўра кенгроқ бўлиб, фуқаролиги бўлмаган, аммо доимий яшовчи шахсларни ҳам қамраб олади. Бу эса, конвенцияни тадбиқ қилиш доирасини ҳам кенгайтиради.

Инвесторлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширилиши инвестициявий фаолият ҳисобланиб, ушбу фаолият турли субъектлар, хусусан жисмоний шахслар, шахс ва давлат ёки давлатлар ҳамда бошқа субъектлар ўртасида вужудга келганлиги сабабли уни тартибга солиш миллий ёки халқаро даражада амалга оширилади. Ушбу хилма-хиллик миллий ва хорижий даражада тартибга солишни тақозо қилади. Ушбу концепция биринчилардан бўлиб А.Г.Богатирев<sup>32</sup> томонидан илгари сурилган бўлиб, кейинчалик бошқа олимлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланган. М.М.Богуславскийнинг таъкидлашича халқаро шартномаларнинг устунлигига асосланган хорижий инвестицияларни икки даражада тартибга солиш халқаро ва ички ҳуқуқий тартибга солишнинг комбинацияси ҳисобланади<sup>33</sup>. Шу сабабли миллий қонунчилик ва халқаро шартномалар халқаро инвестиция ҳуқуқининг асосий манбалари бўлиб ҳисобланади.

Инвестор хорижий давлат фуқароси бўлган ҳолларда унга нисбатан инвестицияларни қабул қилувчи давлат ва инвесторнинг мансублик давлати ўртасида икки томонлама инвестицияларни қўллаб-қувватлаш

---

<sup>31</sup> Европа энергетика хартияси <https://www.energychartertreaty.org/treaty/energy-charter-treaty/>.

<sup>32</sup> Богатирев А.Г. Инвестиционное право. М., 1992. С. 55.

<sup>33</sup> Богуславский М.М. Иностранные инвестиции: правовое регулирование. М., 1996. С. 215.

ва рағбатлантириш тўғрисидаги ёки ушбу икки давлат ратификация қилган кўп томонлама инвестиция шартномасининг мавжудлиги текширилиши лозим. Бунда ушбу шартномаларда инвесторга қўйилган талабга жавоб берган инвесторга нисбатан миллий қонунчиликдаги кўрсатилишидан катъий назар халқаро шартномаларда кўрсатилган қоидалар тадбиқ қилинади.

Инвестицияларнинг миллий қонунчиликка мувофиқлиги барча манфаатдор томонлар учун катта аҳамиятга эга. Одатда, шартномалар фақат “қонунга мувофиқ” қабул қилинган инвестицияларни ҳимоя қилади. Аксар шартномалар, агар инвестициялар улар кириб келишида қабул қилувчи давлатнинг ички қонунчилигига мувофиқ бўлмаса, шартнома бўйича уларга ҳеч қандай ҳимоя тақдим этилмаслигини кўрсатиб ўтади. Ушбу қоида асосан инвестиция таърифи берилган қисмда ёки келишув доирасини белгилайдиган шартнома шартларида мустаҳкамлаб қўйилади. Бундай тартиб инвестицияларни давлат томонидан қабул қилиниши ёки тасдиқланишига бўлган талабни рағбатлантиради. Натижада бу талаб қабул қилувчи давлатга кенгроқ имкониятлар яратиб беради, зеро, улар барча инвестицияларни қабул қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олмаган ва инвестицияларни қабул қилиш устидан назоратни сақлаб қолади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, нафақат доктринал манбаларда, балки қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларда ҳам инвестиция ва инвестор тушунчалари бўйича ягона таъриф мавжуд эмас. Ушбу тушунчаларига таъриф беришда бир хилликка эришиб бўлмайди. Шу сабабли, миллий қонунчиликдаги тушунчаларни ишлаб чиқишда халқаро ҳужжатларга зид бўлмаган ва ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган мақсадга мувофиқ бўлган таърифларни бериш ҳуқуқни қўллаш давомида муаммолар вужудга келишини олдини олади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлашимиз мумкинки, инвестициялар тушунчасини аниқ белгилашда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда аниқлаб олиш

мақсадга мувофиқ. Чунки, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки инвестициялар тушунчаси бўйича халқаро икки ва кўп шартномаларда ҳам аниқликка эришилмаган ва бу табиий ҳолдир. Шунингдек, инвестор тушунчасига таъриф беришда ҳам ягона амалиёт шаклланмаган бўлиб, бу давлатларнинг ички қонунчилиги таъсири ҳисобланади, аммо, инвестор тушунчасига таъриф беришда универсал қоида мавжуд бўлиб, у ҳар қандай жисмоний ва юридик шахсларни қамраб олади.

**II Боб. Инвестициявий низолар бўйича судга шикоят қилиш ҳуқуқи  
хамда мазкур турдаги ишларни судда кўриб чиқиш тартиби**

**2.1. Инвестициявий низоларни маъмурий судлар томонидан кўриб  
чиқиш тартиби ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

Инвестиция низоларини кўриб ҳал этиш Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, яъни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда.

Ҳозирги кунда 2018 йил 8 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунини ҳам маъмурий судларда асосий қўлланиладиган норматив ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур Қонунга кўра, маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади.

Маъмурий тартиб-таомиллар қонунийлик, мутаносиблик, ишонччилик, тингланиш имкониятининг мавжудлиги, маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги, манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги, бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги, мазмунан қамраб олиш, маъмурий иш юритишнинг “бир дарча” орқали амалга оширилиши, тенг ҳуқуқчилик, ишончнинг ҳимоя қилиниши, маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги, текшириш каби принципларга асосланади.

Маъмурий судларда аксарият ҳолатларда мазкур принципларнинг бузилиши билан боғлиқ низолар кўриб чиқилади. Мисол тариқасида, мутаносиблик принципини олиб кўрадиган бўлсак, Қонунга биноан



маъмурий иш юритиш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган таъсир чоралари маъмурий орган томонидан кўзланган қонуний мақсадга эришиш учун мос ва етарли бўлиши ҳамда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмаслиги керак.

Бошқа бир принципни олиб кўрадиган бўлсак, маъмурий иш юритиш давомида юзага келадиган, қонун ҳужжатларининг бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлари ва ноаниқликлари манфаатдор шахслар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу манфаатдор шахслар фойдасига талқин қилинади.

Яна бир принципга биноан виждонан ҳаракат қилувчи манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончи қонун билан кўриқланади. Маъмурий органлар манфаатдор шахсларнинг юзага келган маъмурий амалиёт билан боғлиқ қонуний кутилган натижаларини ҳурмат қилиши шарт. Юзага келган маъмурий амалиётнинг ўзгартирилиши жамоат манфаатлари билан оқланган бўлиши, умумий хусусиятга эга ва барқарор бўлиши керак.

Маъмурий ҳужжатлар ва маъмурий ҳаракатлар маъмурий тартиб-таомилларнинг принципларига мувофиқ бўлиши керак. Маъмурий тартиб-таомиллар принципларига номувофиқлик маъмурий ҳужжатларнинг ва маъмурий ҳаракатларнинг бекор қилинишига ёки қайта кўриб чиқилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Инвестициявий низоларни кўриб чиқишнинг мураккаблиги шундан иборатки, инвестор хорижий давлат фуқароси ёки юридик шахси ҳисобланади ва бу ҳолатда қўлланиладиган ҳуқуқ ва қаролатлар инвесторнинг келиб чиқиш давлати ҳамда инвестицияларни қабул қилувчи давлат ўртасида мавжуд кўп томонлама ёки икки томонлама

инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш шартномасига мувофиқ белгиланади.

Бунда, ички қонунчилик юқоридаги халқаро ҳуқуқ манбаларига зид келган ҳолатларда халқаро ҳужжатлар қоидалари қўлланилиши лозим.

Маъмурий судлар томонидан кўриладиган инвестициявий низолар тушунчаси амалиётган 2021 йилда кириб келган бўлиб, ушбу тоифада кўрилган ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, маъмурий судлар томонидан 2021 йил давомида 15 146 та маъмурий ишлар кўрилган бўлса, шундан 3 таси инвестициявий низолар ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич инвестициявий низоларни ҳал қилиш амалиёти тўғри йўлга қўйилмаганлиги, муаммоларни мавжудлигидан далолат беради. Бундан ташқари, мазкур тоифадаги низоларда маъмурий судлар судлови ҳамда иқтисодий судлар судловини аниқлашда айрим муаммолар вужудга келганлигини, маъмурий органлар билан инвесторлар ўртасидаги низолар ҳам шартномадан келиб чиққан низо сифатида иқтисодий судлар томонидан кўриб ҳал этилаётганлигини кузатиш мумкин.

Бироқ, МСИЮтКнинг 27<sup>1</sup>-моддасига кўра, инвестициявий низолар жумласига инвесторлар билан маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорларига, ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир ишлар киради.

Процессуал қонунчиликда келтирилган инвестициявий низолар тушунчаси фақатгина ишларни тоифалаш ва судловга тааллуқлилиқ масалаларини фарқлаш мақсадида қўлланилиши ва бу муайян низоларни инвестициявий низо деб тан олиш сифатида баҳоланмаслиги лозим.

Инвестициявий низолар бўйича ишлар маъмурий судлар томонидан умумий қоидаларга асосан судловга тегишлиликни алоҳида шаклларини қўллаган ҳолда кўриб чиқилади.

Инвестициявий низолар бўйича ишларнинг маъмурий суд судловига тегишлилиги МСИЮтКнинг 28-моддасига кўра, инвестиция низолари

бўйича йирик инвесторнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан, қолган инвестициявий низолар инвесторнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқилади.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 33-моддасида йирик инвестор бўлмаган инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризалари (шикоятлари) жавобгар жойлашган ердаги туманлараро маъмурий судга ёки Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларига тақдим этилиши мумкинлиги;

Йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризалари (шикоятлари) туманлараро маъмурий судга ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим этилиши мумкинлиги қайд этилган.

Ушбу нормадан кўриниб турибдики, инвестициявий низоларни ҳал қилишда судловга тегишлилик қоидаларини қўллашда инвесторга кенг имкониятлар берилган бўлиб, бошқа тоифадаги ишларни кўрилишида аризачига (шикоятчи) бу қадар танлов ҳуқуқи берилмаган, рақобат тўғрисидаги ишлар бундан мустасно.

Инвестициявий низоларни маъмурий суд томонидан кўриб чиқишда алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган яна бир ҳолат бу низо инвестиция шартномасига риоя қилинишига алоқадор бўлиши лозим.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий судига инвесторнинг маъмурий органларнинг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан берган аризалари (шикоятлари) келиб тушганда, судья бундай аризани иш юритишга қабул қилиш масаласини ҳал этишда, низо инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиш билан боғлиқлигини аниқлаши керак.

МСИЮтКнинг 28-моддасига киритилган қўшимчаларга ўхшаш тарзда ИПКнинг 32-моддаси ҳам инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра,

ушбу тоифадаги ишлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан, қолган инвестициявий низолар инвесторнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилди.

ИПКнинг 34-моддаси:

Йирик инвестор бўлмаган инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъволар жавобгар жойлашган ердаги туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судига ёки Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судига тақдим этилиши мумкинлиги;

Йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъволар туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судига ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим этилиши мумкинлиги тўғрисидаги янги қисмлар билан тўлдирилди.

МСИЮтК ва ИПКга киритилган қайд этилган ўзгартиш ва кўшимчалар орқали ишларнинг маъмурий ва иқтисодий судларга тааллуқлилиги ўзгармайди, фақат кўрсатилган ишларнинг вилоят бўғини судлари ва Судлов таркиби ёки туман бўғини судларига тегишлилигини белгилайди.

Низо аризачининг инвестиция фаолияти билан боғлиқ эмаслиги ва инвестиция шартномаси талабларидан келиб чиқмаганлиги, аниқланган тақдирда, ариза (шикоят) МСИЮтК 134-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига (иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса) асосан қайтарилиши керак. Агар ушбу ҳолат судьянинг аризани (шикоятни) ўзининг иш юритувига қабул қилганидан кейин аниқланса, ишни МСИЮтК 34-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига (иш судловга тегишлилик қоидасини бузган ҳолда қабул қилинганлиги ишни шу судда кўриш вақтида маълум бўлса) асосан бошқа маъмурий судга ўтказиш лозим бўлади.

Бу қоида, шунингдек, Судлов таркибига йирик инвестордан инвестиция фаолияти билан боғлиқ ариза (шикоят) келиб тушганда, агар

Йирик инвесторнинг мақомини тасдиқловчи далиллар бўлмаса ёки низо инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиш билан боғлиқ эмаслиги аниқланган бўлса ҳам қўлланилади.

Агар инвестор (шу жумладан, йирик инвестор) судловга тегишлилик бўйича танлаш ҳуқуқидан фойдаланмасдан туманлараро маъмурий судга ёки туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судига мурожаат қилган бўлса, даъво аризасига (шикоятга) инвестиция шартномасининг нусхаси ва йирик инвестор мақомига эга эканлигини тасдиқловчи далил илова қилиниши шарт эмас.

Инвестор аризаси (шикоят) билан вилоят бўғини судига, йирик инвестор эса Судлов таркибига мурожаат қилган ва у суд томонидан иш юритишга қабул қилинган бўлиб, лекин ишни кўриш жараёнида низо инвестиция шартномаси шартларини бажариш билан боғлиқ эмаслиги аниқланган ҳолларда, ишни МСИЮтК 34-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан туман бўғини судига ўтказиш лозим бўлади.

Бунда агар ишни ўтказиш учун асос мавжуд бўлиб, лекин иш бошқа судга ўтказилмасдан, низо шу суд томонидан мазмунан ҳал этилган бўлса ҳамда ушбу ҳолат, агар суд ҳужжатини бекор қилиш учун бошқа асослар бўлмаса, суд ҳужжатини бекор қилиш учун асос бўла олмайди.

Юқоридагиларга кўра, инвестициявий низолар бўйича судга ариза тақдим қилишда МСИЮтКнинг 130-моддасида келтирилган аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатига қўшимча равишда агар низо инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган бўлса, шартнома нусхаси, аризачининг инвестор ёки йирик инвестор эканлигини ва киритилган инвестицияни тасдиқловчи тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши лозимлиги ҳақида қоида киритиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишларни тоифалар бўйича тўғри ажратиш ва инвестиция низолари бўйича ишларнинг судловга тегишлилигини аниқлаш мақсадида судлар суд статистикасини юритиш чоғида низонинг инвесторнинг инвестиция

фаолияти билан ва инвестиция шартномаси шартлари билан боғлиқлигини аниқлаши керак.

Амалдаги қонунчиликка кўра, “Инвестициявий низолар” тушунчасига ёндашувларни белгилашда судлар солиқ, божхона, экологик ва шартнома мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган инвесторлар иштирокидаги бошқа оммавий-ҳуқуқий низолар бошқа низолар тоифасига мансуб эканлигини инобатга олишлари лозим.

“Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги 1965 йилдаги Вашингтон конвенциясида инвестор ва давлат органи ёки ваколатли орган ўртасидаги инвестиция фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай низо инвестициявий низо деб тушунилиши белгиланган.

Бундан кўриниб турибдики, солиқ, божхона, экологик ва шартнома мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган инвесторлар иштирокидаги бошқа оммавий-ҳуқуқий низолар ҳам инвестициявий низо сифатида баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 15 ноябрдаги “Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида”ги 881-ХП-сонли қарори билан юқоридаги конвенцияга Ўзбекистон Республикаси ҳам қўшилган.

Юқоридагиларга кўра, МСИЮтКнинг 27<sup>1</sup>-моддасидаги инвестициявий низо тушунчасини “Инвестициявий низолар жумласига инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишлар киради” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, судлар томонидан ишларни кўриб чиқиш давомида қандай мулклар инвестиция ҳисобланиши ва аризачи ҳақиқатдан ҳам инвестор ҳисобланишини аниқлашлари лозим.

Ушбу тушунчаларни аниқлаш ва шарҳлашда судлар Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунига мурожаат қилишлари лозим. Шу билан биргаликда, ушбу қонунда келтирилган тушунчалар Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама ва бошқа халқаро инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳақидаги шартномаларида келтирилган тушунчалардан фарқ қилишини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Судлар ушбу нормаларни шарҳлашда ҳам халқаро ҳуқуқнинг устунлиги принципига риоя қилишлари лозим.

Шунингдек, Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун билан тартибга солинмайдиган инвестициялар турлари ҳам мавжуд. Хусусан, қонуннинг 1-моддасида қонун марказлаштирилган инвестициялар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солмаслиги ҳамда концессия фаолияти, маҳсулот тақсимотида оид битимлар тузиш, уларни бажариш ва бекор қилиш, инвестиция, пай ва венчур фондлари, капитал бозорини, шу жумладан қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни тартибга солиш, давлат-хусусий шериклик, махсус иқтисодий зоналар соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар алоҳида қонунлар билан тартибга солиниши белгилаб қўйилган.

Ушбу ҳолатда бизнингча қандай турдаги мулклар инвестиция ҳисобланишлигини аниқлашда қуйидаги критерияларнинг умумий мавжудлигига тайаниш лозим:

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига сармоя киритиш ёки бошқача тарзда иштирок этиши;
- инвестицион лойиҳани амалга оширилишини муайян давомийлиги;
- инвестор учун тадбиркорлик рискиннинг мавжудлиги.

Шунингдек, маъмурий судларда ишни кўришнинг умумий асосларидан келиб чиқсак, мазкур судларнинг вазифаси маъмурий органларнинг қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигини ғайриқонуний деб топиш ҳисобланади. Шунга қарамасдан МСИЮТКнинг 27<sup>1</sup>–моддасига кўра, маъмурий судлар маъмурий органнинг шартнома шартларига риоя қилишини ҳам кўриб ҳал этиши мумкин. Бундай ҳолатда агар инвесторга маъмурий органнинг шартнома шартларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида моддий зарар келиб чиқса, бу низони ҳам мантқан маъмурий судлар кўриб ҳал этиши керак. Бироқ етказилган зарар ўрнини қоплаш масаласи МСИЮТКда эмас, ИПКда акс этмоқда.

Аксарият ҳолларда, инвестициявий низолар моддий асосга эга бўлади, яъни маъмурий орган ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ёки мансабдор шахсининг қарори, ҳаракати(ҳаракатсизлиги) натижасида инвестор моддий зарар кўради, низони ҳал этилишигача бўлган муддат эса ушбу зарарни янада кўпайишига олиб келади.

Моддий зарарни ундириш билан боғлиқ масалалари маъмурий судлар томонидан асосий маъмурий иш билан биргаликда кўрилиб ҳал қилинмаслиги эса, юқоридаги муддатни чўзилишига ва зарарни ошишига хизмат қилади.

Шу сабабли, маъмурий судларга тегишли деб топилган ишлар юзасидан низо предметиға боғлиқ бўлган барча масалаларни, хусусан неустойка ундириш ёки зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишларни маъмурий судлар томонидан кўриб ҳал этиш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, инвестициявий низолар маъмурий судлар томонидан кўриладиган бошқа низолардан кўлланиладиган ҳуқуқ, субъектлари ва судловга тегишлилиги жиҳатлари билан фарқ қилади. Инвестициявий низоларни судлар томонидан кўриб чиқишда такомиллаштирилиши лозим бўлган масалалар талайгина бўлиб, ушбу параграфда таклиф қилинган қоидаларни ва ишни кўриб чиқишни



бошқа жиҳатларини такомиллаштириш бўйича Олий Суд Пленуми қарорини ишлаб чиқиш таклиф қилинади.

## **2.2. Инвестициявий низоларни судда кўриб чиқишда прокурор иштироки**

Прокурорнинг маъмурий судларда қандай тартибда иштирок этиши, унинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари нималардан иборат бўлиши кўпгина олимларнинг диққат эътиборидадир.

Хусусан, инвестиция низолари бўйича ҳам прокурор иштироки бошқа тоифадаги ишлар билан бир хилда амалга оширилади. Айрим тадқиқотларга биноан прокурор маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этиб, тўғридан-тўғри назорат функциясини амалга оширмайди, суд органлари фаолиятини назорат қилмайди. Балки, прокурор ишда иштирок этиб, унда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаракатлари ва қарорларига ҳуқуқий баҳо беради, ўз фикри билан қонуний ва асосли қарор қабул қилинишига кўмаклашади.

Суд жараёнида прокурор иштироки бўйича юридик адабиётларда турли қарама-қарши фикрлар мавжуд. Жумладан, А.С.Федина маъмурий суд ишларини юритишда прокурорнинг икки шаклда иштирок этишини кўрсатиб ўтади: биринчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларида, маълум бир шахслар ёки давлат манфаатида, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа шахслар манфаатида судга ариза билан мурожаат қилади; иккинчидан, суд процессида бошқа шахсларнинг маъмурий ишларида қатнашади ва ўз хулосасини беради<sup>34</sup>.

Ҳуқуқшунос олим М.М.Мамасиддиқов фуқаролик ишларини биринчи инстанцияда кўрилишида прокурор иштирокига тўхталиб, унинг икки хил шаклда: биринчидан бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этишини; иккинчидан, бошқа шахслар ташаббуси билан

---

<sup>34</sup> Муравьев А.А. и другие. Комментарий к кодексу административного судопроизводства Российской Федерации. – М., 2015, С.23-24

кўзғатилган ишни кўришда ишнинг моҳияти бўйича фикр бериш мақсадида иштирок этишини белгилайди<sup>35</sup>.

Баъзи олимлар прокурорнинг судда иштирокини судга ариза билан мурожаат қилишида ва давлат манфаатида суд жараёнида хулоса беришида<sup>36</sup> деб фикр билдиришса, бошқалари судга ариза билан мурожаат қилишини ва давлат манфаатида судда иштирок этишини кўрсатишган<sup>37</sup>.

Адабиётларда прокурорнинг маъмурий судларда иштирок этишининг учинчи шакли сифатида қонуний кучга кирмаган ва кучга кирган суд қарорларига нисбатан муносабат билдириши ҳам кўрсатиб ўтилган<sup>38</sup>.

Суд жараёнида прокурор иштирокига қарши фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, В.М.Гордон прокурорнинг бошқалар манфаатида ариза бериб, ишда иштирок этиши нотўғри эканлигини қайд қилади<sup>39</sup>.

К.С.Юдельсон ҳам процессда икки тараф даъвогар ва жавобгар мавжудлигини, прокурор ҳеч бирига кирмаслигини, прокурор ариза билан судга мурожаат қилиб, процессда давлат вакили сифатида иштирок этишини кўрсатиб ўтади<sup>40</sup>.

Юқоридагиларга асосан, аксарият адабиётларда прокурорнинг фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиши ҳамда бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда иштирок этиши прокурорнинг маъмурий суд ишларини юритишда иштирокининг асосий шакллари ҳисобланади.

---

<sup>35</sup> Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессида прокурор иштироки: миллий амалиёт ва хорижий тажриба // Илмий-амалий қўлланма. – Тошкент, Адолат нашрети, 2016. Б.23

<sup>36</sup> Ястребов В. Б. Прокурорский надзор: учебник. – М., 2001. С. 311

<sup>37</sup> Рябцев В. П. Прокурорский надзор : курс лекций. – М., 2006. С. 224 ; Артамонова Е. М. Указ. соч. С. 9; Аликов В. Р. Развитие законодательства об участии прокурора в гражданском процессе России XVIII—XX веков : автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2001.

<sup>38</sup> Беспалов Ю. Ф. Комментарий к Кодексу административного судопроизводства Российской Федерации (постатейный научно-практический). – М., 2016, С.108–109; Рыжаков А. П. Постатейный комментарий к Кодексу административного судопроизводства Российской Федерации // СПС “Консультант Плюс”; Участие прокурора в административном судопроизводстве // URL: [http://www.prokuror-rostov.ru/law\\_explanation](http://www.prokuror-rostov.ru/law_explanation).

<sup>39</sup> Гордон В. М. Право судебной защиты по Гражданскому процессуальному кодексу РСФСР // Вестн. сов. юстиции. 1924. № 1. С. 4.

<sup>40</sup> Юдельсон К. С. Проблема доказывания в советском гражданском процессе. – М., 1951. С.120–123.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни<sup>41</sup>нинг 33-моддасига мувофиқ фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилаётганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонун<sup>42</sup>га биноан фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида суд муҳокамасининг барча босқичларида ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги масалалар судлар томонидан кўрилаётганда прокурор иштирок этади.

Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини белгилаб берган асосий норматив ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс (МСИЮтК)нинг 38-моддасига биноан прокурор ишда иштирок этувчи шахсдир.

Прокурор барча ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли.

***Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 46-моддасига кўра, суд процесси иштирокчиси сифатида прокурор қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:***

- иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, кўчирма нусха олиш;
- рад қилиш тўғрисида арз қилиш;
- далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш;
- саволлар бериш;
- илтимосномалар киритиш;
- арз қилиш;
- судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш;

---

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 10-модда

— ишни кўриш давомида юзага келадиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хулосаларини тақдим қилиш;

— ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш;

— суд ҳужжатлари устидан протест келтириш.

Прокурор МСИЮТКда назарда тутилган процессуал мажбуриятларга эга ва ўзига тегишли барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланиши керак.

Демак, МСИЮТКга биноан прокурорнинг маъмурий суд ишларида иштирокининг биринчи шакли – бу прокурорнинг бошқа иштирокчилар билан бир қаторда иштирок этиши ҳамда бир хилдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши. Бунда фақатгина бир ҳолатга эътиборни қаратиш лозим, яъни прокурор бошқа иштирокчиларининг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилишидан фарқли равишда протест келтириш ҳуқуқига эга.

Прокурорнинг маъмурий суд ишларини юритишда иштирокининг иккинчи шакли - бу фуқаролар ва юридик шахсларнинг, шунингдек жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб, судга ариза билан мурожаат қилишидир.

Ариза туман (шаҳар) маъмурий судларига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий судига эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари Ўзбекистон Республикасининг барча маъмурий судларига ариза тақдим этишга ҳақли.

Қонунда назарда тутилган ёки суд мазкур ишда прокурор иштирок этиши зарур деб топган ҳолларда, шунингдек прокурорнинг аризаси асосида кўзғатилган ишларда прокурор иштирок этиши шарт.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 28 февралдаги 260-сонли буйруғига асосан қуйидаги:

- суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда;
- прокурорнинг аризаси бўйича кўзғатилган ишларда;
- сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

- идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

- маъмурий органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги (бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ходимларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) билан боғлиқ ишлардан ташқари);

- давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

- инвестициявий ҳамда рақобат тўғрисидаги низоларга доир ишларда;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларида биринчи инстанция сифатида кўрилаётган барча ишларда;

- апелляция, кассация инстанцияси судларида кўрилаётган маъмурий ишларда прокурор иштироки мажбурийлиги белгиланган.

Хорижий мамлакатларда айнан оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларда прокурор иштироки масаласи таҳлил қилинганда, масалан, Россия Федерациянинг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига кўра прокурор:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва Россия Федерациясининг фуқаролари референдумда иштирок этиш ҳуқуқи билан боғлиқ низоларда;
- руҳий касалликка чалинган фуқароларни психиатрия стационарга мажбурий ётқизиш тўғрисидаги ёки уларнинг стационарда ётқизиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ишларда;
- сил касаллигига чалинган фуқароларни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг мажбурий ётқизиш ҳақидаги ишларда;
- чет эл фуқароларининг кўчмас мулклари, уларнинг депортация қилиниши, махсус ташкилотлар орқали чет элда бўлиш муддатини узайтириш ҳамда маъмурий назорат тўғрисидаги ишларда прокурор иштирок этиши белгиланган<sup>43</sup>.

Бу каби нормаларни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларнинг маъмурий процессуал қонунчилигида ҳам учратиш мумкин.

Илғор хорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, МСИЮтКда прокурор иштирок этиши шарт бўлган ишлар тоифасининг аниқ белгиланиши катта аҳамиятга эгадир. Бу орқали прокуратура органларининг масъулияти янада кучайтирилиб, маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироки тўлиқ таъминланиши мумкин.

Бу борада биргина таҳлилларга мурожаат қиладиган бўлсак, республикамиз маъмурий судларида биринчи инстанцияда 2021 йилнинг 12 ойи давомида 397.908 та, шундан оммавий ҳуқуқий муносабатларга оид 15 146 та ишлар кўрилган бўлиб, уларнинг 10.806 таси, яъни 52,1 %да прокурор иштирок этган. Вилоятлар кесимида кўрадиган бўлсак, Андижон

---

<sup>43</sup> Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации от 8 марта 2015 г. N 21-ФЗ.

вилоятида 369 та (жами кўрилган 678 та), Бухоро 486 (683), Самарқанд 884 (1420), Сирдарё 227 (348), Қорақалпоғистон Республикаси 372 (669), Наманган 876 (1762), Навоий 363 (884), Қашқадарё 1914 (3480), Тошкент вилояти 1244 (1475), Тошкент шаҳар 1824 (4139), Жиззах 614 (946), Сурхондарё 594 (1654), Фарғона 786 (1143) ва Хоразм 253 (1433) та ишларнинг кўрилишида прокурор қатнашган<sup>44</sup>.

Юқоридаги Бош прокурор буйруғига кўра, инвестициявий низоларни кўрилишида прокурор қуйидаги ҳолатларни ўрганиши шарт:

*- инвестициявий низоларни судга қадар музокаралар ўтказиш ва медиация йўли билан ҳал этиш чоралари кўрилганлиги;*

*- инвесторнинг инвестициявий низолар тўғрисидаги аризаларини судга тақдим этишда танлаш ҳуқуқлари таъминланганлиги;*

*- инвестор билан маъмурий орган ўртасида тузилган инвестиция шартномалари белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, тарафлар томонидан шартнома шартларининг бажарилганлиги;*

*- халқаро шартномаларда белгилаб қўйилган алоҳида қоидаларга риоя этилганлигини ўрганиш.*

Ишда иштирок этувчи прокурор ишнинг мазмуни бўйича фикрини баён қилади, бундан унинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга доир аризаси бўйича кўзғатилган ишлар мустасно.

Фуқаронинг, юридик шахснинг, жамият ва давлатнинг манфаатларини кўзлаб ариза тақдим этган прокурор аризачининг ҳуқуқларидан фойдаланади ҳамда унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

---

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тайёрланган



Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, прокурорнинг ўз аризасидан воз кечиши аризачини ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Бундан ташқари, прокурор томонидан аризачининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида тақдим этилган талабдан аризачининг воз кечиши аризани кўрмасдан қолдиришга олиб келади.

Прокурорнинг аризачининг ҳуқуқларидан фойдаланиши ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олиши масаласига тўхталадиган бўлсак, МСИЮтКнинг 136-моддасига биноан аризачи ишни биринчи инстанция судида кўриш чоғида ишнинг мазмунан кўрилиши якуни бўйича чиқариладиган суд ҳужжати қабул қилингунига қадар ариза (шикоят)нинг асосини ёки предметини ўзгартиришга ҳақли.

Ариза предмети – бу аризачининг жавобгарга нисбатан моддий-ҳуқуқий талаблари бўлса, ариза асоси жавобгарга нисбатан ўз талабларини асослантирган ҳолатлар ҳисобланади.

Аризачи ишни ҳар қандай инстанция судида кўришда ишни кўриш якуни бўйича чиқариладиган суд ҳужжати қабул қилингунига қадар ариза (шикоят)дан тўлиқ ёки қисман воз кечишга ҳақли.

Суд ариза (шикоят)нинг асоси ва предмети бир вақтда ўзгартирилишини қабул қилмайди.

Ушбу нормага эътибор берадиган бўлсак, аризачи биринчи инстанция судида ишни кўриш якунлангунига қадар аризанинг фақат предметини ёки фақат асосини ўзгартириши мумкин.

**Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги № 15-сон “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 19-бандига биноан аризачи МСИЮтК 136-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ариза (шикоят) асосини ёки предметини**

Ўзгартириш ҳуқуқидан биринчи инстанция судида ҳал қилув қарори қабул қилинганга қадар фойдаланиши мумкин.

Ушбу ҳуқуқдан аризачи ишни апелляция, кассация инстанциясида кўриб чиқиладиганда фойдалана олмайди.

Суд ариза (шикоят)дан воз кечишни, агар бу қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, қабул қилмайди ҳамда ишни мазмунан кўради.

Ариза (шикоят)нинг асосини ёки предметини ўзгартиришни, аризачининг ариза (шикоят)дан тўлиқ ёки қисман воз кечишини қабул қилиш ҳақида ёхуд қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Фуқаронинг, юридик шахснинг, жамият ва давлатнинг манфаатларини кўзлаб ариза тақдим этган прокурор аризачининг юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан фойдаланади.

***МСИЮтКнинг 22-моддасига биноан прокурор:***

*биринчидан,* ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг қариндоши бўлса;

*иккинчидан,* ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас ва рад қилиниши лозим.

Юқорида кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, прокурор ўзини ўзи рад қилиш ҳақида арз қилиши шарт. Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан ҳам шу асосларга кўра прокурорни рад қилиш ҳақида арз қилиниши мумкин. Прокурорни рад қилиш суднинг ташаббусига кўра ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Ўзини ўзи рад қилиш ёки рад қилиш ҳақидаги ариза асосланган бўлиши ва ишни мазмунан кўриш бошлангунига қадар маълум қилиниши керак.

Иш кўрилади деганда ўзини ўзи рад қилиш ёки рад қилиш ҳақида ариза беришга, агар ўзини ўзи рад қилиш ёки рад қилиш учун асос ўзини ўзи рад

қилиш ёхуд рад қилиш ҳақида ариза берган шахсга ишни мазмунан кўриш бошланганидан кейин маълум бўлиб қолган тақдирдагина йўл қўйилади.

Рад қилиш тўғрисида арз қилинган тақдирда, суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрини, агар рад қилиниши талаб этилаётган прокурор тушунтириш беришни хоҳласа, унинг ҳам фикрини эшитади.

Прокурорнинг ўзини ўзи рад қилиши ёки уни рад қилиш тўғрисидаги масала ишни кўраётган суд томонидан ҳал қилиниб, ажрим чиқарилади.

Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор вакил сифатида қатнаша олмайди.

Биринчи инстанция судида иш кўриляётганда, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган прокурор суд музокараларида биринчи бўлиб сўзга чиқади. Агарда прокурор сўзга чиқмаган бўлса, суд музокараларида низонинг мазмунига доир фикрини охирида баён этади.

Маъмурий судларда прокурор иштирокининг фуқаролик ва иқтисодий судлардаги иштирокдан фарқи прокурор маъмурий судда барча тоифадаги ишларда қатнашиши мумкин. Ҳозирда бу амалиёт тўғри бўлиб, давлат ва жамият манфаатини ҳимоя қилувчи мансабдор шахс прокурор эканлиги учун маъмурий судларда унинг иштирокига чеклов қўйиш тўғри ҳисобланмайди.

### **III БОБ. Хориж тажрибасини ўрганиш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари**

#### **3.1-§. Инвестициявий низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича хориж тажрибаси**

Инвестициявий низоларни судларда кўриб ҳал этиш кўпроқ низонинг моҳиятига боғлиқ бўлади. Ҳозирги кунда инвестициявий низолар ҳам давлатларнинг ички судлари томонидан ҳам халқаро арбитражлар томонидан кўриб ҳал қилинмоқда. Давлатларнинг ички судлари томонидан кўриб ҳал қилинадиган низолар ҳам қандай муносабатлардан келиб чиқишига қараб иқтисодий ва маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади.

Низоларни қайси суд томонидан ҳал қилиниши асосан давлат ўртасида тузиладиган халқаро инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳақидаги шартномаларда назарда тутилиши мумкин. Аммо, халқаро даражада низони ҳал қилиш процедураларини қўллаш учун низони ички қонунчиликка асосан ҳал қилиш бўйича барча механизмларни қўллаш талаб этилмайди<sup>45</sup>. Шунингдек, халқаро арбитражга мурожаат қилинганда суд харажатлари миқдори катталиги ва низони кўриб чиқиш кўп вақт талаб қилганлиги сабабли низони ҳал қилиш бўйича давлатнинг ички механизмлари бўлиши мақсадга мувофиқ.

Айрим давлатларда инвестициявий низолар процессуал қонунларда алоҳида тоифа сифатида мустақамланмаган бўлиб, ушбу турдаги низолар судлар томонидан умумий асосларга кўра кўриб чиқиб ҳал қилинади.

Хусусан, Россия Федерациясининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси<sup>46</sup> билан маъмурий судлар томонидан ишларни кўриб чиқиш тартиби ва қоидалари белгиланган бўлиб, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган инвестиция низоларини кўриш тартиби

---

<sup>45</sup> Interhandel (Швейцария против Соединенных Штатов), Решение от 21 марта 1959 г., [1959] ICJ Reports 27.

<sup>46</sup> Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации от 8 марта 2015 г. N 21-ФЗ <http://pravo.gov.ru/>

алоҳида белгиланмаган. Аммо, ушбу кодекснинг 21-моддасида судга тааллуқли ишлар қаторида Хорижий инвестицияларни амалга оширилиши юзасидан назорат бўйича ҳукумат комиссиясининг норматив ҳарактерга эга бўлмаган ҳужжатлари юзасидан низолашиш, ижро ҳокимияти федерал органлари, бошқа давлат органларининг қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар келтирилган.

Инвесторлар томонидан ноқонуний деб ҳисобланган федерал даражадаги ва бошқа ижро ҳокимияти органлари қарорларидан норози бўлган тақдирда, ҳудудийлик бўйича маъмурий судларга мурожаат қилишлари мумкин. Бунда, ишларни кўриб чиқиш кодексда келтирилган умумий асосларга кўра амалга оширилади.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқадиган инвестициявий низолар арбитраж судлари томонидан кўриб чиқилади. Умумий юрисдикция судлари ва арбитраж судлари томонидан кўриладиган инвестициявий низолар тоифаси процессуал қонун ҳужжатларида келтирилган умумий судловга тааллуқлилиқ қоидалари бўйича ажратилади. Бунда низо келиб чиққан муносабатларнинг хусусияти унинг қайси суд судловига тааллуқлилигини белгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Яъни низо иқтисодий характер касб этса ва оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқмаса арбитраж судлари томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Бундан ташқари, Украина, Арманистон, Грузия, Латвия, Литва, Эстония, Молдова каби давлатларда ҳам маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги процессуал қонун ҳужжатларида оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи инвестициявий низолар алоҳида тоифа сифатида белгиланмаган бўлсада, маъмурий судлар томонидан умумий асосларга кўра кўриб ҳал қилинади.

Қозоғистон Республикасининг процессуал қонунчилиқ ҳужжатларида эса, инвестициявий низолар алоҳида тоифа сифатида белгиланган.

Қозоғистон Республикасида инвестициявий низолар иқтисодий ва маъмурий судлар томонидан ҳамда алоҳида ҳолларда маъмурий ишлар бўйича ихтисослаштирилган Нур-Султан туманлараро суди томонидан кўриб ҳал қилинади. Судловга тааллуқлилиқ ва тегишлилик қоидалари процессуал қонун ҳужжатлари билан белгиланган.

Хусусан, Қозоғистон Республикасининг 2020 йил 29 июлда қабул қилинган Қозоғистон Маъмурий жараён-процессуал кодекси<sup>47</sup> 102-моддаси 3-қисмига кўра, Нур-Султан шаҳрининг туманлараро маъмурий суди инвесторларнинг маъмурий органлар, улар мансабдор шахсларининг маъмурий актлари, ҳаракат ва ҳаракатсизлиги устидан бериладиган шикоятларни кўриб чиқади деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, Қозоғистон Республикасининг 2015 йил 31 октябрда қабул қилинган Фуқаролик-процессуал кодекси<sup>48</sup> 27-моддасига кўра, маъмурий судларга тааллуқли бўлмаган инвестициявий низолар ихтисослаштирилган Нур-Султан шаҳрининг туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилиши, йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ низолар эса, Олий суд томонидан кўриб чиқилиши белгиланган.

Судлар томонидан инвестициявий низоларни ҳал қилиш бўйича Қозоғистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан “инвестициявий низоларни кўриб чиқиш айрим масалалари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган. Унга кўра, инвестициявий низоларнинг судловга тааллуқлилиги, тегишлилиги ҳамда бевосита судлар томонидан низоларни кўриб чиқиш давомида халқаро шартномалар қоидаларини қўллаш билан боғлиқ масалалари тартибга солинган.

---

<sup>47</sup> Административно-процедурно процессуальный кодекс Республики Казахстан. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K2000000350>.

<sup>48</sup> Гражданский-процессуальный кодекс Республики Казахстан. [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=34329053&pos=2;-106#pos=2;-106](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=34329053&pos=2;-106#pos=2;-106).

Бу эса, инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати бўлиб, Қозоғистон Республикасининг инвестициявий жозибаторлигини оширади.

Бу борада АҚШнинг тажрибасига назар соладиган бўлсак, АҚШ маъмурий юстициясининг асосий жиҳатларидан бири бу унинг ягона, умумдавлат суд тизими мавжуд эмаслигидир. Шунинг учун ҳар бир штатда ўзининг суд тизими ва шу билан биргаликда федерал суд тизими фаолият кўрсатади. Шу ўринда шуни қайд этиш керакки, штатлар судлари ҳеч бир жиҳатдан федерал судлар бўйсунувида эмас ва ҳисобдор ҳам эмас. АҚШда биринчи маъмурий муассасалар 1855 йилда қабул қилинган қонун билан молия соҳасидаги қонунбузилишлар устидан шикоятлар натижасида ташкил этилган. Шу пайтдан бошлаб АҚШда шу каби маъмурий муассасалар ташкил топиши ривожлана борди<sup>49</sup>. Ўзининг тўлиқ институционал ҳолатини ХХ асрнинг бошларида, яъни умумий судлар билан биргаликда махсус маъмурий органлар ўз фаолиятини олиб бораётганларида мустаҳкамлади. Бу органлар ўзларининг квазисудлов ваколатлари доирасида фуқаролар ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги маъмурий низоларни кўриб чиқар, шунинг учун ҳам ўз ваколати доирасидан келиб чиқиб уларни маъмурий трибуналлар деб аташган. АҚШда квазисудлов ваколатларига эга бўлган шикоят суди (Претензионный суд), солиқ суди ва турли федерал агентликлар маъмурий трибуналлар деб аталади<sup>50</sup>.

Таъкидлаш жоизки, америкалик юристларнинг нуқтаи назаридан, белгиланган анъанага кўра, маъмурий ҳуқуқ учта объектни тартибга солади:

---

<sup>49</sup> Gussakovskii P.N. Administrative Justice [Administrativnaya yustitsiya]. Zhurn. Min. yust. - Magazine of the Ministry of Justice, 1906, 82-83 p.

<sup>50</sup> Бояхчан С. Административные суды США и Франции в контексте рецепции опыта создания административной юстиции (Administrative courts of the U.S.A. and France in the context of reception of experience of administrative justice creation) Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина.

маъмурий ҳуқуқ ижодкорлиги; маъмурий квазисудлов фаолиятини; маъмурият устидан суд назоратини<sup>51</sup>.

Шу билан бирга, АҚШдаги маъмурий агентликлар кенг ваколатларга эга, шу жумладан, бевосита уларнинг ваколатига тегишли ҳуқуқий масалалар, низолар бўйича қарорлар қабул қилиш соҳасида. АҚШ давлат қурилмасининг федерал шаклларини ҳисобга олган ҳолда, маъмурий органлар тегишли ваколатлар билан штатлар миқёсида ҳам ўз фаолиятини олиб боришади.

Юридик мустақилликка эга бўлган ва хусусий шахслар ва маъмурий ҳокимият ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш вазифаси юклатилган маъмурий агентликнинг мансабдор шахси маъмурий судьялар деб номланади<sup>52</sup>.

Юқорида келтирилган квазисудлов органларининг иш тартиби ҳақида гапирадиган бўлсак, 1946 йилда маъмурий ишларни маъмурий трибуналлар орқали кўриб чиқиш қонун кучига эга бўлган “Маъмурий процедура тўғрисида”ги Федерал акт билан тартибга солинган. Шу каби актлар бошқа кўплаб штатларда ҳам қабул қилинган. Бу қонун тўлиқ равишда агентликларнинг индивидуал масалалар бўйича ишни кўриб чиқиш жараёнини ва тегишли тартибда қарор қабул қилишни (adjudicating), шунингдек, ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятини таърифлаб берди. Бундан ташқари, қонун давлат агентлиги томонидан чиқарилган қарор ёки унинг ҳаракати устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйди<sup>53</sup>.

АҚШда тарихан федерал судлар (округ, апелляция, махсус судлар) ва штатлар судлари тизими шаклланган. Федерал судлар тизимининг юқори чўққисиди АҚШ Олий суди туради<sup>54</sup>. Маъмурий судлар давлат ва маҳаллий

---

<sup>51</sup> Богдановская И.Ю., Данилов С.Ю., Зеленцов А.Б. и др. Административное право зарубежных стран. Учебник / под ред.: Козырина А.Н., Штатина М.А. – М.: Спарк, 2003. – С. 362.

<sup>52</sup> Караманукян Д.Т. Административная юстиция США: монография. – Омск: Омская юридическая академия, 2014. – С. 60.

<sup>53</sup> Разгильдеев Александр Витальевич. Административное Правосудие: Опыт стран Европы, США и возможность его использования в России // Журнал «Закон» № 11 Ноябрь 2013, 135-150 с.

<sup>54</sup> зможность его использования в России // Журнал «Закон» № 11 Ноябрь 2013, 135-150 с. 93 Малько А.В. Сравнительное правоведение / А. В. Малько, А. Ю. Саломатин М.: Норма: ИНФРА-М, 2011, 129-130 с.



маъмурий органлар қарорлари устидан келтирилган апелляция шикоятларини кўриб чиқиш билан шуғулланадилар<sup>55</sup>.

Маъмурий органларнинг қарорлари устидан шу маъмурий идора доирасида фаолият кўрсатувчи махсус апелляция муассасаларига, ундан кейин эса судга шикоят қилиш мумкин. Судлар одатда барча маъмурий инстанциялардан ўтган ишни қабул қиладилар ва кўриб чиқадиладар (фуқаро томонидан берилган барча қонуний маъмурий ҳимоя воситалари тугаганида).

Бирламчи маъмурий юрисдикция доктринасининг ҳам моҳияти шунда. Шунга мувофиқ маъмурий органлар қандайдир даражада суд инстанциясидан устунликка эга, лекин фақатгина ишдаги фактларни кўриб чиқиш масаласида.

Ишдаги ҳуқуқий масалаларга келсак, яъни қонун нормаларини талқин қилиш ва қўллашнинг тўғрилиги, бу ерда бошланғич юрисдикция судларга тегишли ҳисобланади<sup>56</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида айтсак бўладики, оммавий ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш бўйича АҚШ тажрибасида кўпроқ маъмурий ишлар судгача (квази суд) тартибда кўриб чиқилади ва бу соҳа бошқа давлатларга қараганда анча раванқ топган. Шундан келиб чиқиб, АҚШ тажрибасига айнан шу жиҳатдан ёндашиш, яъни низоларни судгача тартибда ҳал қилишни ривожлантиришга уларнинг кўникмалари ва амалиётини қўллаш ўринли. Бунга асос сифатида Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси тасдиқланган бўлиб, унда, ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш,

---

<sup>55</sup> Zimmer M.B. Overview of Specialized Courts / M. B. Zimmer. // International Journal for Court Administration. 2009 (August). Vol. 2. No 1. P. 12. URL: <http://www.iaca.ws/files/LWB-SpecializedCourts.pdf>

<sup>56</sup> Побединский В.Н. Административная юстиция в современной России: глобальный контекст и перспективы развития / В.Н.Побединский, С.С.Квач, Н.В.Фролова // Вестник Тюменского государственного университета. Социально-экономические и правовые исследования. 2016. Том 2, № 4. С. 96-106.

низоларни судгача ҳал қилиш усули сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этиш орқали маъмурий адлия тизимини ривожлантириш ечилиши лозим бўлган долзарб масала сифатида келтирилган, лекин ҳанузгача “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилганига қарамай, унинг ишлаш механизми ўз ўрнига тушиб кета олмаган.

Чунки бизда маъмурий процедуралар ва маъмурий судлов ишларини юритишнинг боғлиқлиги мавжуд эмас, маъмурий процедуралар принципларига, уларнинг тартибига амал қилинмайди, аҳолининг аксарияти маъмурий тартиб-таомиллар ҳақида тушунчага эга бўлмаганлиги сабабли кўп ишлар суд йўли билан ҳал бўлади. Шу мақсадда маъмурий адлия тизимини ривожлантириш учун маъмурий акт юзасидан манфаатдор шахс шикоят ёки ариза билан мурожаат этмоқчи бўлганда аввал юқори турувчи маъмурий органга мурожаат этиши мажбурийлиги тизимини йўлга қўйса мақсадга мувофиқ бўларди деган фикрдамиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4754-сонли қарори билан Давлат божхона қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашлари такшил этилиб, ушбу кенгашлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) ёхуд ҳаракатсизлиги натижасида ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги мурожаатлари Апелляция кенгаши томонидан кўриб чиқилиши тартиби белгиланган. Фикримизча, ушбу апелляция кенгашларини қолган вилоят

ҳокимликлари ва давлат бошқарув органларида ҳам жорий қилиш бу борадаги ишларнинг самарадорлигини янада оширган бўлар эди.

Германия Федератив Республикасида маъмурий судлар томонидан инвестициявий низоларни ҳал қилинишини таҳлил қилишдан олдин маъмурий суд тизимини ўрганишимиз лозим. Самарали суд ҳимояси ва давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан суд контролини амалга ошириш мақсади<sup>57</sup>га мувофиқ Германиядаги маъмурий суд процесслари барча процессуал масалаларни қамраб оладиган муайян принциплар асосида қурилган<sup>58</sup>. Судьянинг маъмурий суд ишлари доирасидаги ҳаракатлари, авваламбор, маъмурий суд ишларини юритишнинг процессуал тамойиллари билан белгиланади. Маъмурий суд ишларини юритиш принциплари маъмурий ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш бўйича процессуал қонунчиликка асосланган асосий қоидалардир<sup>59</sup>. Германия маъмурий судлари тўғрисидаги қонуни (Verwaltungsgerichtsordnung<sup>60</sup>)га мувофиқ принциплар қаторига қуйидагилар келтирилади: диспозитивлик (Dispositionsgrundsatz), ишнинг ҳолатларини ҳар томонлама ўрганиш (Untersuchungsgrundsatz), далилларни эркин баҳолаш (Grundsatz der freien Beweiswürdigung), ишларни суднинг расмий фаолияти доирасида олиб бориш ва ишга диққатлилиқ (Amtsbetriebs- und Konzentrationsgrundsatz), тингланиш ҳуқуқи (Grundsatz des rechtlichen Gehörs), оғзаки муҳокама, бевоситалилик, ошкоралик (Mündlichkeit — Unmittelbarkeit — Öffentlichkeit), шунингдек одил судлов принциплари<sup>61</sup>. Эътиборли жиҳати, Германия маъмурий процессуал қонунчилигида принципларнинг ҳаммаси ҳам алоҳида нормада келтирилмаган, уларни процессуал қонунчилик

---

<sup>57</sup> Kaufmann M. Untersuchungsgrundsatz und Verwaltungsgerichtsbarkeit. Mohr Siebeck, 2012. S. 400.

<sup>58</sup> Nolte J.J. Die Eigenart des verwaltungsgerichtlichen Rechtsschutzes. Grund und Grenzen der Anwendung des Zivilprozessrechts im Verwaltungsprozess. S. 6.

<sup>59</sup> Kaufmann M. Указ. соч. S. 19.

<sup>60</sup> Закон об административном производстве на немецком языке: <http://www.gesetze-iminternet.de/vwvfg/>. См. также Административно-процессуальное право Германии (под редакцией В.Бергманна), 2-е издание, Москва/Берлин 2013.

<sup>61</sup> Юрген Кипп. Ведение процесса судьей в административном судопроизводстве (Handling of proceedings by the judge in the administrative court procedure) // Ежегодник публичного права 2015 : Административный процесс. — М. : Инфотропик Медиа, 2015. — 273-279 с. — ISBN 978-5-9998-0220-0.

тахлили давомида аниқласа бўлади<sup>62</sup>. Немис маъмурий ҳуқуқининг бошқа давлат, шу жумладан француз ҳуқуқ тизимидан асосий фарқи шундаки, немис маъмурий суд органлари, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқларининг суддаги ҳимоясини назарда тутлади.

Ушбу қоида Германия Конституцияси 1-моддасида ҳам кўрсатиб ўтилган<sup>63</sup>.

Ҳар қандай маъмурий акт, унинг (мажбурий) ижроси, шунингдек, баъзи ҳолларда қонуности ҳужжатлар устидан ҳам судга шикоят қилиниши мумкин.

Судга тааллуқлилик масаласини аниқлаб олишимиз учун шикоят объектларини фарқлай олишимиз ўринли.

Германияда суд ҳокимияти беш тармоқ<sup>64</sup> бўйича иш юритади: фуқаролик ва жиноий ишлардан ташқари давлат органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низоларни ҳал қилишга ваколатли бўлган умумий юрисдикция судлари (ordentliche Gerichtsbarkeit), мансабдор шахслардан ташқари барча меҳнат муносабатлари жараёнида вужудга келадиган низоларни ҳал қилувчи меҳнат судлари (Arbeitsgerichtsbarkeit), биринчи навбатда, (давлат) ижтимоий суғуртага оид ишлар тааллуқли бўлган ижтимоий судлар (Sozialgerichtsbarkeit), солиқ низоларини ҳал қиладиган молиявий судлар (Finanzgerichtsbarkeit), оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал қиладиган маъмурий судлар (Verwaltungsgerichtsbarkeit). Маъмурий суд ишларини юритиш жараёни “Маъмурий судлар тўғрисида”ги Федерал қонун (Verwaltungsgerichtsordnung) билан тартибга солинади.

Бугунги кунда Германия маъмурий судлари тизими учта инстанциядан ташкил топган, яъни 52 та ўлкаларнинг маъмурий

---

<sup>62</sup> Grunsky. Grundlagen des Verfahrensrechts. S. 16.

<sup>63</sup> Дилмурод Артиков, Ботиржон Қосимов. Хорижий мамлакатларда маъмурий юстиция // илмий рисола. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2018. 5-бет

<sup>64</sup> Дмитрий Маренков. Судебная система Германии. Краткий обзор (Das deutsche Gerichtssystem im Überblick) / Deutsch-Russische Juristenvereinigung < > Германо-Российская ассоциация юристов Сборник статей о праве Германии, выпуск № 1 (август 2015 г.), www.drjv.org

суди(Verwaltungsgerichte) биринчи инстанция судлари ҳисобланиб, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан фуқаролар томонидан берилган ҳар қандай шикоятларни кўриб чиқади; 14 та юқори маъмурий суд(Oberverwaltungsgerichte) иккинчи инстанция ҳисобланиб, суд низоларини баъзи бир ҳолларда биринчи инстанция сифатида кўриб чиқиб ҳал қилиш билан бирга қуйи маъмурий судларнинг қарорларига нисбатан апелляция инстанция суди ҳисобланади; маъмурий ишлар бўйича Олий суд вазифасини (охирги инстанция) Лейпциг шаҳрида жойлашган Федерал олий маъмурий суди(Bundesverwaltungsgericht) бажариб, унинг ваколатига асосан юқори маъмурий судларнинг қарорларини текшириш(ревизия)дан иборат<sup>65</sup>. “Маъмурий судлар тўғрисида”ги қонуннинг 40-моддасига кўра, конституциявий ҳуқуқ соҳасига тегишли бўлмаган барча оммавий ҳуқуқий низолар маъмурий судларда кўриб чиқилади, лекин шу ўринда қонунда баъзи бир истиснолар ҳам келтирилган. Жумладан, “агар федерал қонун бўйича ушбу низоларни ҳал қилиш тўғридан-тўғри бошқа суд ваколатига кирмаса” деган жумла қонунда мустаҳкамланган. Демак, ушбу жумла орқали қонун ижодкори даъво объекти конституциявий ҳуқуқ соҳасига тегишли бўлмаган оммавий ҳуқуқий низо бўлса ҳам қонун нормалари орқали бу ишлар бошқа судларга тааллуқлилиги (abdrängende Zuweisung)ни назарда тутмоқда.

Бундай нормаларга “Молия судлари тўғрисида”ги Низом(Finanzgerichtsordnung<sup>68</sup>)нинг 33-моддаси (параграф)даги, “Ижтимоий судлар тўғрисида”ги қонун(Sozialgerichtsgesetz<sup>69</sup>)нинг 51-моддасидаги қоидалар киради. Бундан ташқари, “Маъмурий судлар тўғрисида”ги қонуннинг 40-моддаси 2-қисмида маъмурий судлар томонидан кўрилмайдиган ишлар келтирилган. Бундан қелиб чиқиб қисқача ҳулоса қилса бўладики, Германия маъмурий судлари юрисдикциясига

---

<sup>65</sup> Йорг Пуделька. Виды иска в административном судопроизводстве на примере Германии (The different types of action in administrative court proceedings — the German example) // Ежегодник публичного права 2015 :

юқоридаги истиснолардан ташқари барча оммавий ҳуқуқий низо (öffentlich-rechtliche Streitigkeit)лар киради.

Германия қонунчилигида маъмурий судларнинг оммавий ҳуқуқий низоларни кўриб ҳал этишда баъзи бир чекловлари мавжуд.

Маъмурий судларга мурожаат этиш учун шахс аввал юқори турувчи органга ариза билан мурожаат этиши лозим. Агарда шахс ушбу орган томонидан қабул қилинган қарордан норози бўладиган тақдирда, маъмурий судларга мурожаат этишлари мумкин.

Низоларнинг оммавий ҳуқуқийлик табиати икки мустақил бўғинга ажралади: ижтимоий низолар бўйича судлар ҳамда молиявий низолар бўйича судлар.

Оммавий ҳуқуқий тартибдаги зарарни қоплаш билан боғлиқ низолар фуқаролик суд тизимида кўриб чиқилади<sup>70</sup><sup>66</sup>.

Маъмурий судлар тўғрисидаги қонунда даъволарнинг 5 тури кўрсатиб ўтилган. Биринчиси баҳслашув тўғрисидаги даъволар (Anfechtungsklage), мажбуриятни бажариш ҳақидаги даъволар (Verpflichtungsklage), мажбуриятларни бажариш ҳақидаги умумий даъволар (allgemeine Leistungsklage), ҳуқуқий муносабатни тан олиш ҳақидаги даъволар (Feststellungsklage), қоидани ҳақиқийлигини текшириш тўғрисидаги даъволар (Normenkontrollklage). Конституциянинг 19-моддаси 4-бандига мувофиқ, ҳар ким оммавий ҳуқуқда конституциявий ҳуқуқлари бузилган тақдирда судга мурожаат этиш тўғрисидаги қоида мавжуд<sup>67</sup>. Бу шуни англатадики, агар қонун бўйича юқорида келтирилган даъволардан биронтасига тўғри келмаса, фуқаро ҳар қандай ҳолатда ҳам мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Бундай даъволар “sui generis” деб аталиб<sup>68</sup>, таржимаси “ўзига хос”<sup>69</sup> даъво шаклида келади.

<sup>66</sup> Дилмурод Артиков, Ботиржон Қосимов. Хорижий мамлакатларда маъмурий юстиция // илмий рисола. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2018. 6-бет

<sup>67</sup> Текст Основного Закона на немецком и английском языках: <http://www.gesetze-im-internet.de/gg/>.

<sup>68</sup> Анастасия Бергер, Нина Веш. Административный процесс в Германии (Verwaltungsprozess im deutschen Recht) // Deutsch-Russische Juristenvereinigung < > Германо-Российская ассоциация юристов Сборник статей о праве Германии, выпуск № 1 (август 2015 г.), ст. 32-47, [www.drjv.org](http://www.drjv.org)

<sup>69</sup> The New Dictionary of Cultural Literacy. — Houghton Mifflin Harcourt, 2002. — P. 79. — [ISBN](https://doi.org/10.1017/9780520310110)

Шу ўринда инвестициявий низолар ҳам оммавий-ҳуқуқий характер касб этган ҳолларда маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади. Қолган инвестициявий низолар эса бошқа судлар томонидан кўриб чиқилиши мумкин. Аммо, бу қоида халқаро характер касб этган низоларни халқаро органлар ёки арбитражлар томонидан кўриб чиқилишини истисно қилмайди. Аксинча, ички судларнинг қарорлари инвесторни қониқтирмаган ҳолатда инвестор халқаро суд ёки арбитраж судларига мурожаат қилиши мумкин.

### **3.2-§. Инвестициявий низоларни кўриб чиқиш давомида вужудга келаётган муаммолар**

Инвестициявий низолар тушунчаси, уларни ҳал қилиш механизмлари ва амалиётда ҳал қилинишини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш натижасида амалиётда бир қатор муаммоларга дуч келдик.

Хусусан, маъмурий судлар томонидан кўриб чиқиладиган инвестициявий низоларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2021 йил давомида атиги 3 та ушбу тоифадаги низолар кўриб чиқиб ҳал қилинган. Аммо, амалиёт давомида судлар томонидан қабул қилинган қарорларни таҳлил қилиш ва ўрганиш натижасида айрим ҳолатларда судлар томонидан низо инвестициявий ҳисоблансада, яъни аризачи инвестор ва низо инвестиция шартномаси шартларига маъмурий органлар томонидан риоя қилинмаётганлиги ҳақида бўлсада, ҳисобот юритишда “маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш” тўғрисидаги тоифасига киритилмоқда. Бу эса, инвестициявий низолар сонини сунъий тушириб кўрсатилишига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, аризачи К.Нуритдинов маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиш, унда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 30 июндаги қарори қабул қилинишига сабаб бўлган Тошкент шаҳар инвестиция ва савдо бошқармаси томонидан инвестиция шартномасини бекор қилишда, шартнома шартлари қай даражада бажарилгани ҳолати ўрганилмаганлиги, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 7 февралдаги 168-сонли қарори талаблари тўлиқ бажарилганлиги, фақатгина, пандемия сабабли айрим ҳаракатларни амалга ошириш имконияти бўлмаганлиги, Тошкент шаҳар



хокимлиги унинг шартномага ўзгартириш киритиш билан боғлиқ аризасини эътиборсиз қолдирганлиги ва шу сабабли Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 30 июндаги 602-сонли қарори 1-бандида кўрсатилган илова рўйхатида 4-рақам билан белгиланган жисмоний шахсга тегишли қисмини ҳақиқий эмас деб топишни сўраб мурожаат қилган. Ушбу низо МСИЮтКнинг 27<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган инвестициявий низо тушунчасига тўлиқ мос келсада, инвестициявий низо тоифасига киритилмаган.

Бундан ташқари, МСИЮтКнинг 130-моддасида аризага (шикоятга) илова қилинадиган ҳужжатлар келтирилган бўлиб, қуйидагилар илова қилиниши белгиланган:

1) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини, агар бу ушбу тоифадаги ишлар учун қонунда назарда тутилган бўлса;

1<sup>1</sup>) белгиланган тартибда ва миқдорда почта харажатлари тўланганлигини;

2) аризининг (шикоятнинг) ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга ҳамда учинчи шахсларга юборилганлигини;

3) арз қилинган талабларга асос бўлган ҳолатларни;

4) аризани (шикоятни) имзолаш ваколатини, агар у вакил томонидан имзоланган бўлса.

Инвестициявий низоларни кўриб чиқишда асосий шартлардан бири бу инвестиция шартномасини мавжудлигидир. Аммо, юқоридаги моддада аризага инвестиция шартномаси илова қилиниши шартлиги белгиланмаган. Шунингдек, МСИЮтКнинг 28 ва 33-моддаларида йирик инвесторнинг фаолиятига тааллуқли аризалар бевосита Олий судга тақдим қилиниши мумкинлиги белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июльдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”гм ПФ-6034-сонли фармони билан инвестиция киритилган санада йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар

йирик инвесторлар эканлиги белгиланган. Аммо, амалиётда инвесторнинг йирик инвесторлигини исботлаш, киритилган инвестицияни ҳисоблаш ва инвесторни йирик деб топиш процедуралари тартибга солинмаган. Бу эса, судлар томонидан ишни кўриб чиқилишига ўзининг таъсирини кўрсатмай қолмайди. Судлар томонидан ариза келиб тушгандан сўнг МСИЮтКнинг 131-моддасига кўра 5 кунлик муддатда аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш ёхуд қайтариш ҳақидаги масалани ҳал қилиши лозим. Инвестор томонидан уни инвестор эканлигини, ариза киритилган вақтда 20 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилганлиги ҳақидаги масалага аниқлик киритилмасдан туриб аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш ёхуд қайтариш тўғрисида ажрим чиқариб бўлмайди.

Шу сабабли, маъмурий судлар томонидан инвестициявий низоларни кўриб ҳал қилиш давомида аризаچини инвестор эканлигини, ариза киритилган вақтда 20 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва инвестиция шартномаси аризага илова қилиниши ҳақидаги нормани МСИЮтКга киритиш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, МСИЮтКга қуйидаги таҳрирдаги 189<sup>1-3</sup>-моддасини киритиш таклиф қилинади:

“189<sup>1</sup>-модда. Инвестициявий низолар тўғрисидаги ишларни кўриш тартиби

Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига даҳлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишлар ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидалар бўйича, мазкур бобда белгиланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда кўриб чиқилади.

Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишлар, агар уларни кўриб чиқиш қонун билан бошқа давлат органларининг ваколатига киритилмаган бўлса, судда кўриб чиқилади.

Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишларни юритиш инвесторлар ёки уларнинг вакиллари (бундан кейин манфаатдор шахс деб юритилади) томонидан берилган аризалар асосида қўзғатилади, шунингдек мазкур аризада оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган зарарни ундириш талаби қўйилиши мумкин.

Манфаатдор шахс маъмурий судга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан олти ой ичида ариза(шикоят) бериши мумкин.”

“189<sup>2</sup>-модда. Инвестициявий низо тўғрисидаги аризанинг (шикоятнинг) шакли ва мазмуни

Маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят)га ушбу Кодекснинг 128-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Аризада (шикоятда) қуйидагилар ҳам кўрсатилиши керак:

1) устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёки шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган маъмурий органнинг,

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг номи, мансабдор шахснинг фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари;

2) устидан шикоят қилинаётган қарорнинг номи, рақами, у қабул қилинган сана, устидан шикоят қилинаётган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилган сана ва жой;

3) аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинаётган қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли унинг бузилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги маълумотлар;

4) аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинаётган қарорнинг, ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) қайси қонунчиликка зид эканлиги;

5) аризачининг қарорни ҳақиқий эмас, ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги талаби.

Аризага (шикоятга) инвестиция шартномасининг кўчирма нусхаси, йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризасига эса унинг йирик инвесторлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда ушбу Кодекснинг 130-моддасида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинади.”

“189<sup>3</sup>-модда. Инвестициявий низолар тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамасининг хусусиятлари

Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига даҳлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)и устидан шикоят қилинаётганда қарорни қабул қилган ёки устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг ёки мансабдор шахснинг вакиллари ҳамда прокурор иштирокида кўриб чиқилади. Бироқ суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган ушбу шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди.

Устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёки устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган маъмурий

органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, мансабдор шахснинг вакиллари суд мажлисига келишини суд мажбурий деб топиши ва уларни тушунтиришлар бериш учун суд мажлисига чақириши мумкин.

Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишларни кўриб чиқиш чоғида суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунийлигини, устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёхуд устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган органининг ёки мансабдор шахснинг ваколатларини текширади, шунингдек устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузганлигини аниқлайди.”

Ўзбекистон Маъмурий судлари тизимидаги навбатдаги ўз ечимини кутаётган масалалардан бири бу судловга тааллуқлилик масаласидир. Амалдаги қонунчиликка кўра, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий ёки фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим, деб белгиланган диспозиция талаблари Маъмурий суд органининг юстицион аҳамиятини камайтирмоқда деган гипотезани илгари суришимиз мумкин. Барчамизга маълумки, Ўзбекистон амалиётида аввалдан иқтисодий ва фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ишларни кўриб чиқиш юкламаси ниҳоятда оғир бўлиб келган. Маълумот учун таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 26-моддасига кўра, Фуқаролик ишлари бўйича судга қуйидаги ишлар тааллуқлидир: фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага

келадиган низолар бўйича ишлар, агар тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлса, бундан қонунда шундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топшириладиган ҳоллар мустасно; ушбу Кодекснинг 293-моддасида санаб ўтилган алоҳида тартибда юритиладиган ишлар; ушбу Кодекснинг 18-бобида кўрсатилган ва буйруқ тартибида ҳал этиладиган ишлар; ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ва ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ишлар; чет давлат судларининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар; корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар. Ушбу фактнинг ўзи ҳам Фуқаролик судларидаги катта юкломани кўрсатади. Шунингдек, фактни статистик маълумотлар билан мустаҳкамлайдиган бўлсак, фуқаролик судлари томонидан Республика бўйича 2018 йил давомида 453 354 та иш(суд буйруқлари билан бирга), 2019 йил давомида 276 937 та иш(суд буйруқлари билан бирга), 2020 йил давомида 291 132 та иш<sup>70</sup>(суд буйруқлари билан бирга) кўриб чиқилган бўлса, маъмурий судлар томонидан оммавий ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишлар динамикаси эса 2018 йил давомида 17 427 та ишни, 2019 йил давомида 16 255 та ишни, 2020 йил давомида 15 066 та ишни ташкил этади<sup>71</sup>. Бундан яққол кўриниб турибдики, судлар кесимида кўриб чиқилган ишлар баланси ўзаро мувофиқ эмас. Агар уларга яна баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда

---

<sup>70</sup> Республика фуқаролик судлари томонидан кўрилган ишлар юзасидан маълумот. [https://stat.sud.uz/file/2021/fib/fib\\_2020.pdf](https://stat.sud.uz/file/2021/fib/fib_2020.pdf)

<sup>71</sup> Республика маъмурий судлари томонидан кўрилган ишлар юзасидан маълумот. [https://stat.sud.uz/file/2021/mib/mib\\_2020.pdf](https://stat.sud.uz/file/2021/mib/mib_2020.pdf)

кўрилиши лозим деган қондани сақлаб қолишни давом эттирсак, натижада ушбу суднинг ҳам самарали фаолият юритишини сўроқ остига қўйган бўлишимиз мумкин. Назаримизда, агар ишни бир томони маъмурий низо ва бошқа томонидан фуқаролик бўйича низо кузатиладиган бўлса, унда бундай ҳолда ишни тўлиқ Маъмурий судларда кўриб чиқиш қондасини киритиш керак. Зеро, бу билан фуқаролик судларидаги ишлар балансини таъминлаш мумкин ва асосийси, назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш ҳамда биз интилаётган алоҳида ихтисослаштирилган маъмурий судларнинг фаолиятига ижобий таъсир қилишига эришамиз.

## Хулоса

Инвестициявий низолар билан боғлиқ ишларни судда кўришда прокурор иштирокини таҳлил қилиш натижасида тадқиқот иши доирасида қуйидаги назарий, амалий-ташқилий ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф, тавсия ва хулосалар берилади.

### **I. Илмий-назарий хулосалар.**

Назарий қарашларни илмий таҳлил қилиш орқали қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган:

*Инвестиция* - кенг тушунча сифатида даромад қилиш ёки бошқа фойдали натижага эришиш мақсадида пул қийматига эга бўлган фуқаролик ҳуқуқи объектларини сармоя сифатида киритиш деб таърифлаш мумкин. Тор маънода эса муайян ҳуқуқий ҳужжат доирасида тартибга солиш мақсад қилинган муносабатларга мутаносиб равишда аниқ қилиб белгиланиши ва ҳуқуқий ҳужжат мақсад ва мазмуни ўзгариши билан ўзгариб бориши керак.

*Инвестициявий низо бўйича маъмурий иш* – маъмурий ҳуқуқий фаолият билан шуғулланувчи, давлатнинг ваколат ва функцияларига эга органлар ва маҳаллий ҳамда хорижий инвесторлар ўртасида оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи конфликт(низо).

*Инвестициявий низо* – бу инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириши давомида вужудга келадиган ҳамда бевосита инвестиция фаолиятига боғлиқ бўлган низо.

### **II. Миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

Маъмурий судлар томонидан инвестициявий низоларни кўриб чиқилишида судловга тааллуқлилиқ қоидаларини қўллашда низо вужудга келмоқда. Шу сабабли МСИЮтКнинг 27<sup>1</sup>-моддасини қуйидагича ўзгартириш таклиф этилади. “Инвестициявий низолар жумласига инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар



бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишлар киради”.

Маъмурий судлар томонидан инвестициявий низоларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, МСИЮтКга инвестициявий низолар ҳақидаги ишлар бўйича иш юритиш ҳақидаги боб киритиш таклиф қилинмоқда.

Хусусан, 189<sup>1-3</sup>-моддасини киритиш таклиф қилинмоқда.

### **189<sup>1</sup>-модда. Инвестициявий низолар тўғрисидаги ишларни кўриш тартиби**

Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига даҳлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишлар ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидалар бўйича, мазкур бобда белгиланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда кўриб чиқилади.

Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига даҳлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишлар, агар уларни кўриб чиқиш қонун билан бошқа давлат органларининг ваколатига киритилмаган бўлса, судда кўриб чиқилади.

Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига даҳлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишларни юритиш инвесторлар ёки уларнинг вакиллари (бундан кейин манфаатдор шахс деб юритилади) томонидан берилган аризалар асосида қўзғатилади, шунингдек мазкур

аризада оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган зарарни ундириш талаби қўйилиши мумкин.

Манфаатдор шахс маъмурий судга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан олти ой ичида судга берилиши мумкин.

**189<sup>2</sup>-модда. Инвестициявий низо тўғрисидаги аризанинг (шикоятнинг) шакли ва мазмуни**

Маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят)га ушбу Кодекснинг 128-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Аризада (шикоятда) қуйидагилар ҳам кўрсатилиши керак:

1) устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёки шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг номи, мансабдор шахснинг фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари;

2) устидан шикоят қилинаётган қарорнинг номи, рақами, у қабул қилинган сана, устидан шикоят қилинаётган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилган сана ва жой;

3) аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинаётган қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли унинг бузилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги маълумотлар;

4) аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинаётган қарорнинг, ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) қайси қонунчиликка зид эканлиги;

5) аризачининг қарорни ҳақиқий эмас, ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги талаби.

Аризага (шикоятга) инвестиция шартномаси ҳамда ушбу Кодекснинг 130-моддасида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек устидан шикоят қилинаётган қарорнинг матни илова қилинади.

### **189<sup>3</sup>-модда. Инвестициявий низолар тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамасининг хусусиятлари**

Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)и устидан шикоят қилинаётганда қарорни қабул қилган ёки устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг ёки мансабдор шахснинг вакиллари ҳамда прокурор иштирокида кўриб чиқилади. Бироқ суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган ушбу шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди.

Устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёки устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, мансабдор шахснинг вакиллари суд мажлисига келишини суд мажбурий деб топиши ва уларни тушунтиришлар бериш учун суд мажлисига чақириши мумкин.

Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишларни кўриб чиқиш чоғида суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунийлигини, устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёхуд устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг ёки мансабдор шахснинг ваколатларини текширади, шунингдек устидан шикоят қилинаётган қарор

ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) аризаچининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузганлигини аниқлайди.”

Инвесторлар томонидан инвестициявий фаолиятни амалга оширилиши натижасида юзага келадиган солиқ, божхона, экологик ва бошқа мажбуриятлар оммавий-ҳуқуқий характер касб этганлиги туфайли ушбу турдаги низолар маъмурий судлар томонидан қўриб чиқилиши лозим. Шунга асосан, Иқтисодий процессуал кодекснинг 30<sup>1</sup>-моддасида берилган инвестициявий низолар тоифасини қуйидаги баён қилиш таклиф қилинмоқда.

“Инвестициявий низолар бўйича ишлар жумласига қуйидагилар киради:

1) инвестиция шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ;

2) инвестиция шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги;

3) инвестиция шартномасининг бажарилиши билан боғлиқ;

4) инвестиция шартномаси бўйича инвесторга берилган мол-мулкни талаб қилиб олиш ёки бундай шартнома бўйича неустойка ундириш ва (ёки) зарарлар ўрнини қоплаш тўғрисидаги иқтисодий низолар.”

Миллий қонунчилигимизда инвестициявий низолар тушунчаси фақатгина чет эл инвестицияларини тартибга солиб, маҳаллий инвестициялар бўйича юзага келадиган низоларни қамраб олмайди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 3-моддаси қуйидаги қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ “**Инвестициявий низо** – инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга ошириш чоғида юзага келадиган низо”.

Бундан ташқари мазкур қонуннинг 63-моддасида фақатгина чет эл инвестициялари билан боғлиқ низолар тартибга солиниб, маҳаллий инвестициялар бўйича низолар тартибга солинмасдан қолган. Шунга қўра,

б3-модданинг 1-қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинмоқда, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади. Агар инвестициявий низонинг тарафлари музокаралар ўтказиш йўли билан низо келишилган ҳолда ҳал этишга эришишга қодир бўлмаса, бундай низо медиация йўли билан тартибга солиниши керак”.

Шунингдек, маъмурий судлар томонидан инвестициявий низоларни апелляция инстанциясида кўришда вужудга келадиган айрим муаммоларни бартараф қилиш бўйича пленум қарорига таклиф илова қилинади.

### **III. Амалий-ташкилий вазифалар бўйича таклифлар:**

Инвестициялар тушунчасини аниқ белгилашда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Чунки, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки инвестициялар тушунчаси бўйича халқаро икки ва кўп шартномаларда ҳам аниқликка эришилмаган ва бу табиий ҳолдир. Шунингдек, инвестор тушунчасига таъриф беришда ҳам ягона амалиёт шаклланмаган бўлиб, бу давлатларнинг ички қонунчилиги таъсири ҳисобланади, аммо, инвестор тушунчасига таъриф беришда универсал қоида мавжуд бўлиб, у ҳар қандай жисмоний ва юридик шахсларни қамраб олади.

Инвестициявий низолар тўғрисидаги ишларни судларда кўрилишида ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалаларнинг мавжуд эканлигидан келиб чиқиб, мазкур тоифадаги ишлар бўйича Олий суд Пленуми қарорини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

**Фойдаланиш учун тавсия этиладиган  
адабиётлар рўйхати**

**I. Раҳбарий адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон овози. 2016. 8 декабрь.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз: [Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2016. –15 дек. – Б. 1; 2.

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилidir: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 январда Прокуратура органлари ходимлари куни олдида бир гуруҳ соҳа ходимлари билан учрашди] // Халқ сўзи. – 2017. –10 янв. –Б. 1.

4. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан // Халқ сўзи газ. 2017 й. 8 декабрь сони.

5. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. // 07.12.2019 й. [www.president.uz](http://www.president.uz)

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // 24.01.2020 й. [www.president.uz](http://www.president.uz)

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // 29.12.2020 й. [www.president.uz](http://www.president.uz)

## II. Асосий қонун ҳужжатлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2021. -80 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон. Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., 02/18/ИПК/0623-сон, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон) Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги 257-II-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001. 9-10-сон, 168-модда. Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ-703-сон қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон. Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
6. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-661-сон қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/662/0012-сон. Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
7. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 25 августдаги “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги ЎРҚ-392-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 450-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон. Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

8. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” ЎРҚ-598-сонли қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2019 й., 03/19/598/4221-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон. Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

### **III. Қонун ости ҳужжатлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолталарини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли Фармони. Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли Фармони. // Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли Фармони. // Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли Фармони // Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

### **IV. Судга оид ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида” 24-сонли Қарори // Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 15-сонли Қарори // Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 25 октябрдаги “Маъмурий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти ҳақида” 20-сонли Қарори // Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 27 ноябрдаги “Маъмурий ишларни кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 34-сонли Қарори // Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги “Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида” 20-сонли Қарори // Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## **V.Хорижий давлатлар қонунчилиги, илмий адабиётлар**

1. Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1500000377#z27>

2. Административно-процедурно процессуальный кодекс Республики Казахстан. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K2000000350>

3. Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации от 8 марта 2015 г. N 21-ФЗ

4. Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации от 8 марта 2015 г. N 21-ФЗ <http://pravo.gov.ru>

5. Конвенция о порядке разрешения инвестиционных споров <https://www.jus.uio.no/lm/icsid.settlement.of.disputes.between.states.and.nations.of.-other.states.convention.washington.1965/25.html>

6. Interhandel (Швейцария против Соединенных Штатов), Решение от 21 марта 1959 г., [1959] ICJ Reports 27

7. ICSID Case No. ARB/74/3 // ICSID Reports. 1993.

8. ICSID Case No. ARB/84/2 ICSID Reports. Vol. 3. 1995.

9. ICSID Case No. ARB/96/3. URL:  
[http://www.italaw.com/sites/default/files/-casedocuments/ita0316\\_0.pdf](http://www.italaw.com/sites/default/files/-casedocuments/ita0316_0.pdf)

10. Лупарев Е.Б. Общая теория административно-правового спора. Воронеж, 2003. С. 11.

11. Зеленцов А.Б. Конфликты в управлении и управление конфликтами: опыт комплексного исследования предмета и форм административной юрисдикции. М., 2001; Хаманева Н.Ю. Теоретические проблемы административно-правового спора // Государство и право. 1998. № 12. С. 29–36.

12. Коркунов Н.М. Русское государственное право. СПб., 1889.

13. Чечот Д.М. Неисковое производство. М., 1973. С. 10.

14. Хахалева Е.В.. Проблемы разграничения публично-правовых и частноправовых споров. Теория и практика общественного развития (2010, № 4). ст. 196. <https://cyberleninka.ru/article/n/problemu-razgranicheniya-publichno-pravovyh-i-chastnopravovyh-sporov/viewer>

15. Э.Хожиев, Ш.Шайзаков. Оммавий-хукукий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академияси Ахборотномаси (2019, № 4 (40)). 32-бет.

16. Тихомиров Ю. А. Публично-правовые споры // Право и экономика. 1998. № 6. С. 8–13.

17. И.В. Михеева. Судебная защита публичных интересов. [http://www.unn.ru/pages/vestniki\\_journals/99990195\\_West\\_pravo\\_2003\\_2\(7\)/B\\_1-8.pdf](http://www.unn.ru/pages/vestniki_journals/99990195_West_pravo_2003_2(7)/B_1-8.pdf)

18. Минина А.И. Критерии арбитрабельности спора // Актуальные проблемы российского права. 2014. № 5. С. 982–987.

19. Замышляев Д.М. Виды судебных юрисдикций в Российской Федерации: сравнительно-правовой и исторический подход: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2015. С. 100-101

20. К различным теориям см. напр., Kopp/Schenke, Kommentar zur VwGO (комментарий к АСЗ), § 40, Rn. 11.

21. Хартмут Маурер. Общее административное право , 15-е издание, 2004 г., ISBN 3-406-52631-4 . Раздел 3, маргинальный номер 12.

22. Пешкова Т.В. Административное судопроизводство в судах общей юрисдикции в Российской Федерации : дис. канд. юрид. наук. Воронеж, 2014. С. 116.

23. Панова И.В. Проблемы рассмотрения административных дел // Вестник ВАС РФ. 2012. № 5. С. 12–46.

24. Галий И.М. Административно-правовые споры в рамках института Административного судопроизводства : проблемные вопросы содержательной характеристики // Административное право и процесс. 2007. № 1. С. 9–12.

25. Публично-правовой спор, как предмет административного судопроизводства. //доступно на сайте: [http://studies.in.ua/admin\\_proces-seminar/2125](http://studies.in.ua/admin_proces-seminar/2125)

26. Алехин А.П. Административное право России. – М.: 2015, С. 56.

27. Хаманева Н.Ю. Административно-правовые споры: проблемы и способы их разрешения // Государство и право. 2006. № 11. С. 5-13.

28. Бахрах Д.Н. Административное право. М., 1997. С. 45.

29. Соловьева А.К. Административная юстиция в России: проблемы теории и практики: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. СПб., 1999. С. 10.

30. Лупарев Е.Б. Административно-правовые споры: дис. ... док. юрид. наук. Воронеж, 2003. С.14-15.

31. Лупарев Е.Б. Определение административно-правового спора //Проблемы административной юстиции: материалы семинара. - М., 2002. - С.134.

32. А.В.Глодина. Административное дело и административно-правовой спор: понятие и соотношение. <http://www.vestnik.vsu.ru/pdf/pravo/2017/03/2017-03-14.pdf>.

33. Сарро Д., Зхюяр П. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ: дарслик / таржима. француз тилидан В.П. Серебренникова, В.М. Шумилова. М.: Стажёр. муносабатлар, 2001 йил.
34. Вахрин П. И. Инвестиции. М.: Дашков и К°, 2002. С. 17.
35. Schwarzenberger G. Foreign Investments and International Law. — New York, 1969. — P. 17.
36. Ершова И.В. Предпринимательское право: Учебник. — М.: ИД «Юриспруденция», 2009. — С. 442.
37. Доронина Н.Г., Семилютин Н.Г. Международное частное право и инвестиции: монография. Доступ из справ.-правовой системы «КонсультантПлюс».
38. Вельяминов Г.М. Международное экономическое право и процесс: учебник. М., 2004.
39. Sornarajah M. The international law on foreign investment. Cambridge: Cambridge University press, 2004.
40. Investicionnoe pravo: uchebник / V.V. Gushhin, A.A. Ovchinnikov. М.: Eksmo, 2006.
41. Антипова О.М. Правовое регулирование инвестиционной деятельности (анализ теоретических и практических проблем). Доступ из справ.-правовой системы «КонсультантПлюс».
42. Фархутдинов И.З. Международное инвестиционное право: теория и практика применения. М.: «Болтер Клувер», 2005 г.
43. Европа энергетика хартияси  
<https://www.energychartertreaty.org/treaty/energy-charter-treaty>
44. Богатырев А.Г. Инвестиционное право. М., 1992. С. 55.
45. Богуславский М.М. Иностранные инвестиции: правовое регулирование. М., 1996. С. 215.
46. Крупко С. Инвестиционные споры между государством и иностранным инвестором. Москва: БЕК, 2002. С.6

47. Данельян А.А. Международно-правовой механизм урегулирования инвестиционных споров. – 2014. – №4 (112). – С. 103–108.
48. Ст. 26-27 Договора к Энергетической Хартии. URL: <http://www.energycharter.org/fileadmin/DocumentsMedia/Legal/ECT-ru.pdf>.
49. Богуславский М. М. Правовое положение иностранных инвестиций, с. 162.
50. Муравьев А.А. и другие. Комментарий к кодексу административного судопроизводства Российской Федерации. – М., 2015, С.23-24
51. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессида прокурор иштироки: миллий амалиёт ва хорижий тажриба // Илмий-амалий қўлланма. – Тошкент, Адолат нашрети, 2016. Б.23
52. Ястребов В. Б. Прокурорский надзор: учебник. – М., 2001. С. 311
53. Рябцев В. П. Прокурорский надзор : курс лекций. – М., 2006. С. 224 ; Артамонова Е. М. Указ. соч. С. 9; Аликов В. Р. Развитие законодательства об участии прокурора в гражданском процессе России XVIII—XX ве-ков : автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2001.
54. Беспалов Ю. Ф. Комментарий к Кодексу административного судопроизводства Российской Федерации (постатейный научно-практический). – М., 2016, С.108–109; Рыжаков А. П. Постатейный комментарий к Кодексу административного судопроизводства Российской Федерации // СПС “Консультант Плюс”; Участие прокурора в административном судопроизводстве // URL: [http://www.prokuror-rostov.ru/law\\_explanation](http://www.prokuror-rostov.ru/law_explanation).
55. Гордон В. М. Право судебной защиты по Гражданскому процессуальному кодексу РСФСР // Вестн. сов. юстиции. 1924. № 1. С. 4.
56. Юдельсон К. С. Проблема доказывания в советском гражданском процессе. – М., 1951. С.120–123.
57. Хожиев Э.Т., Шайзаков Ш.И. Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.

Ўқув қўлланма – Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. 2019 й., 276 б.

58. Хожиев Э.Т., Шайзаков Ш.И. Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўқув-амалий қўлланма – Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. 2020 й., 302 б.

59. Шайзаков Ш.И. Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари / Монография. Тошкент.: “LESSON PRESS”, 2021 й- 264 б.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ҚОНУНИ

**“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига  
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**

**1-модда. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс.**  
(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон; 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон, 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон; 13.01.2021 й., 03/21/662/0012-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон, 26.08.2021 й., 03/21/711/0825-сон, 17.09.2021 й., 03/21/716/0877-сон):

1) 27<sup>1</sup>-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Инвестициявий низолар жумласига инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига даҳлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишлар киради”.

2) 33-модданинг 2 ва 3-қисмларидаги “даъво” сўзлари чиқариб ташлансин.

3) қуйидаги таҳрирдаги 23<sup>1</sup>-боб қўшилсин:

“23<sup>1</sup>-боб. Инвестициявий низолар ҳақидаги ишлар бўйича иш юритиш

**189<sup>1</sup>-модда. Инвестициявий низолар тўғрисидаги ишларни кўриш тартиби**

Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишлар ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидалар бўйича, мазкур бобда белгиланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда кўриб чиқилади.

Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишлар, агар уларни кўриб чиқиш қонун билан бошқа давлат органларининг ваколатига киритилмаган бўлса, судда кўриб чиқилади.

Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишларни юритиш инвесторлар ёки уларнинг вакиллари (бундан кейин манфаатдор шахс деб юритилади) томонидан берилган аризалар асосида кўзғатилади, шунингдек мазкур аризада оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган зарарни ундириш талаби қўйилиши мумкин.

Манфаатдор шахс маъмурий судга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан олти ой ичида судга берилиши мумкин.

**189<sup>2</sup>-модда. Инвестициявий низо тўғрисидаги аризанинг (шикоятнинг) шакли ва мазмуни**

Маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят)га ушбу Кодекснинг 128-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Аризада (шикоятда) қуйидагилар ҳам кўрсатилиши керак:

1) устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёки шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган маъмурий органнинг,



фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг номи, мансабдор шахснинг фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари;

2) устидан шикоят қилинаётган қарорнинг номи, рақами, у қабул қилинган сана, устидан шикоят қилинаётган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилган сана ва жой;

3) аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинаётган қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли унинг бузилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги маълумотлар;

4) аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинаётган қарорнинг, ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) қайси қонунчиликка зид эканлиги;

5) аризачининг қарорни ҳақиқий эмас, ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги талаби.

Аризага (шикоятга) инвестиция шартномаси ҳамда ушбу Кодекснинг 130-моддасида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек устидан шикоят қилинаётган қарорнинг матни илова қилинади.

### **189<sup>3</sup>-модда. Инвестициявий низолар тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамасининг хусусиятлари**

Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига даҳлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)и устидан шикоят қилинаётганда қарорни қабул қилган ёки устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг ёки мансабдор шахснинг вакиллари ҳамда прокурор иштирокида кўриб чиқилади. Бироқ суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган ушбу шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди.

Устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёки устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, мансабдор шахснинг вакиллари суд мажлисига келишини суд мажбурий деб топиши ва уларни тушунтиришлар бериш учун суд мажлисига чақириши мумкин.

Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига даҳлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишларни кўриб чиқиш чоғида суд

устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунийлигини, устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёхуд устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг ёки мансабдор шахснинг ваколатларини текширади, шунингдек устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузганлигини аниқлайди.”

**2-модда. Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун** (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2019 й., 03/19/598/4221-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон)

1) 3-модданинг 1-қисми қуйидаги 19-хатбоши билан тўлдирилсин:

“Инвестициявий низо – инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга ошириш чоғида юзага келадиган низо”.

2) 63-модданинг 1-қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади. Агар инвестициявий низонинг тарафлари музокаралар ўтказиш йўли билан низони келишилган ҳолда ҳал этишга эришишга қодир бўлмаса, бундай низо медиация йўли билан тартибга солиниши керак”.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий суди ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Президенти**

**Ш.Мирзиёев**

**“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига  
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси”даги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасига  
ТАҚҚОСЛАШ ЖАДВАЛИ**

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
<b>Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс</b>		
<p><b>27<sup>1</sup>-модда.</b></p> <p>Инвестициявий низолар жумласига инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ига доир ишлар киради.</p>	<p><b>27<sup>1</sup>-модда.</b></p> <p>Инвестициявий низолар жумласига инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ига доир ишлар киради.</p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилдаги ЎРҚ-661 ва 662-сонли қонунларига асосан иқтисодий ва маъмурий судлар томонидан инвестициявий низолар кўрилиш белгиланган. Икки суд томонидан кўриладиган инвестициявий низолар тоифасининг судловга тааллуқлилиги чегараси аниқ ажратиб берилмаганлиги натижасида амалиётда судлар томонидан аризани қабул қилишда муаммога дуч келинмоқда.</p> <p>Шунингдек, инвестиция низоларининг чегараси фақатгина инвестиция шартномасига боғлиқ бўлиб, шартномавий муносабатлардан келиб чиқмаган, аммо,</p>

Амалдаги тахрир	Таклиф этилаётган тахрир	Асослантириш
		<p>инвестицияларга тегишли бўлган низолар бошқа тоифа сифатида кўриб келинмоқда.</p> <p>Иқтисодий ва маъмурий судларга тааллуқли инвестиция низолари чегарасини аниқ ажратиш мақсадида маъмурий судлар томонидан фақатгина оммавий-ҳуқуқий характер касб этган инвестициявий низолар кўрилишини белгилаш таклиф қилинмоқда.</p>
<p><b>33-модда. Аризачининг танлови бўйича судловга тегишлилик</b></p> <p>...</p> <p>Йирик инвестор бўлмаган инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризалари (шикоятлари) жавобгар жойлашган ердаги туманлараро маъмурий судга ёки Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларига тақдим этилиши мумкин.</p>	<p><b>33-модда. Аризачининг танлови бўйича судловга тегишлилик</b></p> <p>...</p> <p>Йирик инвестор бўлмаган инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ <del>даъво</del> аризалари (шикоятлари) жавобгар жойлашган ердаги туманлараро маъмурий судга ёки Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларига тақдим этилиши мумкин.</p>	<p>Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 5-моддасига кўра, маъмурий судларга ариза (шикоят), илтимоснома ва протест шаклида мурожаат қилинади. Ишлар ариза (шикоят) шаклида кўриб чиқилганлиги туфайли “даъво” сўзини чиқариб ташлаш таклиф қилинмоқда.</p>

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
<p>Йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризалари (шикоятлари), шунингдек товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган даъво аризалари туманлараро маъмурий судга ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим этилиши мумкин.</p>	<p>Йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ <del>даъво</del> аризалари (шикоятлари), шунингдек товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган <del>даъво</del> аризалари туманлараро маъмурий судга ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим этилиши мумкин.</p>	
<p><b>Тўлдирилмоқда</b></p>	<p><b>23<sup>1</sup>-боб. Инвестициявий низолар ҳақидаги ишлар бўйича иш юритиш</b></p> <p><b>189<sup>1</sup>-модда. Инвестициявий низолар тўғрисидаги ишларни кўриш тартиби</b></p> <p>Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишлар ушбу Кодексда назарда тутилган</p>	<p>Инвестициявий низоларни маъмурий судлар томонидан кўриб чиқишнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, мазкур тоифадаги ишлар судда кўриб ҳал этилаётганда алоҳида хусусиятлар инобатга олиниши лозим.</p> <p>Шу сабабли кодексга ушбу хусусиятларни акс эттирган янги боб киритиш таклиф қилинмоқда.</p> <p>Ҳозирги қонунчиликка кўра, инвестициявий низолар ҳам иқтисодий судлар ҳам маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади. Бунда асосий фарқ низо оммавий-ҳуқуқий характер касб этган ҳолларда маъмурий судлар томонидан</p>

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
	<p>умумий қоидалар бўйича, мазкур бобда белгиланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда кўриб чиқилади.</p> <p>Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишлар, агар уларни кўриб чиқиш қонун билан бошқа давлат органларининг ваколатига киритилмаган бўлса, судда кўриб чиқилади.</p> <p>Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки</p>	<p>кўриб чиқилишидир. Инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган оммавий-ҳуқуқий характер касб этмаган бошқа низолар эса иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади. Шунга кўра, инвестициявий низоларни кўриб чиқиш бошқа давлат органларининг ваколатига киритилмаган бўлса, маъмурий судда кўриб чиқилишини белгилаш таклиф қилинган.</p> <p>Шунингдек, оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган зарарни ундириш тўғрисидаги талабни маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, бу масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари</p>

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
	<p>маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишларни юритиш инвесторлар ёки уларнинг вакиллари (бундан кейин манфаатдор шахс деб юритилади) томонидан берилган аризалар асосида кўзгатилади, шунингдек мазкур аризада оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган зарарни ундириш талаби қўйилиши мумкин.</p> <p>Манфаатдор шахс маъмурий судга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан олти ой ичида судга берилиши мумкин.</p>	<p>тўғрисида” 2022 йил 29 январдаги ПҚ-107-сонли Қарорида акс этган.</p> <p>Бундан ташқари, амалиётда судлар томонидан муддатларни қўллаш борасида турлича ёндашув ва амалиёт шаклланганлигини кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан судга мурожаат қилиш муддатини 6 ойга узуйтириш мақсадга мувофиқдир.</p> <p>Шунингдек, прокурорнинг маъмурий ишда иштироки унинг алоҳида ҳуқуқий мақоми билан тавсифланади. Инвестициявий низоларни судда кўриб чиқишда прокурор иштироки қонунийликни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлоигини таъминлашда алоҳида муҳим аҳамият касб этади.</p>
	<p><b>189<sup>2</sup>-модда. Инвестициявий низо тўғрисидаги аризанинг (шикоятнинг) шакли ва мазмуни</b></p> <p>Маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш</p>	

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
	<p>органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят)га ушбу Кодекснинг 128-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.</p> <p>Аризада (шикоятда) қуйидагилар ҳам кўрсатилиши керак:</p> <p>1) устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёки шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг номи, мансабдор шахснинг фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари;</p> <p>2) устидан шикоят қилинаётган қарорнинг номи, рақами, у қабул қилинган сана, устидан шикоят қилинаётган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилган сана ва жой;</p>	



Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
	<p>3) аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинаётган қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли унинг бузилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги маълумотлар;</p> <p>4) аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинаётган қарорнинг, ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) қайси қонунчиликка зид эканлиги;</p> <p>5) аризачининг қарорни ҳақиқий эмас, ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги талаби.</p> <p>Аризага (шикоятга) инвестиция шартномаси ҳамда ушбу Кодекснинг 130-моддасида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек устидан шикоят қилинаётган қарорнинг матни илова қилинади.</p>	
	<p><b>189<sup>3</sup>-модда. Инвестициявий низолар тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамасининг хусусиятлари</b></p>	

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
	<p>Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)и устидан шикоят қилинаётганда қарорни қабул қилган ёки устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг ёки мансабдор шахснинг вакиллари ҳамда прокурор иштирокида кўриб чиқилади. Бироқ суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган ушбу шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди.</p> <p>Устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёки устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш</p>	

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
	<p>органининг, мансабдор шахсинг вакиллари суд мажлисига келишини суд мажбурий деб топиши ва уларни тушунтиришлар бериш учун суд мажлисига чақириши мумкин.</p> <p>Инвесторлар билан маъмурий органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция фаолиятига дахлдор бўлган, оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича қабул қилинган қарорларига ёки маъмурий орган сифатидаги ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)ига доир ишларни кўриб чиқиш чоғида суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунийлигини, устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёхуд устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг ёки мансабдор шахсинг ваколатларини текширади, шунингдек устидан шикоят қилинаётган қарор ёки</p>	

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
	<p>унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузганлигини аниқлайди.</p>	
<b>Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун</b>		
<p><b>3-модда. Асосий тушунчалар</b></p> <p>...</p> <p>-</p>	<p><b>3-модда. Асосий тушунчалар</b></p> <p>...</p> <p><b>Инвестициявий низо</b> – инвестор томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо</p>	<p>Мазкур қонун чет эллик ҳамда маҳаллий инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ва инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Инвестиция фаолиятини амалга оширилиши натижасида низолар вужудга келади.</p> <p>Қонуннинг 63-моддасида инвестициявий низо тушунчаси</p>

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
		<p>келтирилган бўлсада, ушбу тушунча фақатгина чет эл инвестицияларига тааллуқлидир. Қонун эса маҳаллий инвестицияларни ҳам тартибга солади.</p> <p>Шу сабабли қонунга янги инвестициявий низолар тушунчасини киритиш таклиф қилинмоқда.</p>
<p><b>63-модда. Низоларни ҳал этиш</b></p> <p>Чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо (инвестициявий низо) музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади. Агар инвестициявий низонинг тарафлари музокаралар ўтказиш йўли билан низони келишилган ҳолда ҳал этишга эришишга қодир бўлмаса, бундай низо медиация йўли билан тартибга солиниши керак.</p>	<p><b>63-модда. Низоларни ҳал этиш</b></p> <p>Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади. Агар инвестициявий низонинг тарафлари музокаралар ўтказиш йўли билан низони келишилган ҳолда ҳал этишга эришишга қодир бўлмаса, бундай низо медиация йўли билан тартибга солиниши керак</p>	<p>Қонуннинг 63-моддасидаги низоларни ҳал этиш тартиби чет эл инвестициялари билан боғлиқ низоларгагина тааллуқли бўлиб, маҳаллий инвестициялар билан боғлиқ низолар қандай тартибга ҳал қилиниши тартибга солинмаган.</p>

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарорига қўшимча ва ўзгартириш киритиш юзасидан ТАҚҚОСЛАШ  
ЖАДВАЛ**

№	Амалдаги тахрир	Таклиф этилаётган тахрир	Асослантириш
1	<p>2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮтК деб юритилади) 200-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси судида иш юритиш:</p> <p>аризачи, жавобгар, учинчи шахс, уларнинг вакиллари шикоят;</p> <p>тарафлар ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқий ворислари шикояти;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг шикояти</p>		<p>Суд ҳужжатининг қонунийлигини ўрганиш, шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда ишда иштирок этувчи шахснинг ҳуқуқий вориси томонидан суд ҳужжатига нисбатан шикоят қилиш ҳуқуқининг берилиши муҳимдир. Бироқ, суд ҳужжатига нисбатан унинг ҳуқуқлари ва манфаатларига дахл қилмайдиган шахсларнинг ҳам шикоят билан чиқиши қонун нормаларининг нотўғри қўлланилишига сабаб бўлиши ҳамда иш бўйича аризани кўрмасдан қолдиришга сабаб бўлади.</p>

<p>бўйича, бундан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно; ишда аризачи сифатида қатнашган давлат органлари ва бошқа шахсларнинг аризаси бўйича (МСИЮтК 47-моддаси биринчи қисми); прокурорнинг протести бўйича кўзғатилади.</p> <p>Апелляция тартибида иш юритиш, шунингдек, МСИЮтК 200-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахснинг шикояти бўйича ҳам кўзғатилиши мумкин. Ушбу шахс суд ҳужжатида кўрсатилмаган ҳолларда ҳам, унинг устидан шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланади.</p>		
--	--	--

	<p>Ишда иштирок этувчи шахсининг вакили, шу жумладан, адвокат, агар бундай ҳуқуқ ваколат берувчи томонидан берилган ишончномада махсус кўрсатилган бўлсагина, суд ҳужжати устидан апелляция тартибида шикоят қилишга ҳақли (МСИЮтК 62-моддаси иккинчи қисми).</p> <p><b>тўлдирилмоқда</b></p> <p>Суднинг ҳал қилув қарори устидан тўлиқ ёки қисман шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.</p>	<p><b>Ишда иштирок этувчи шахсининг ҳуқуқий вориси томонидан берилган апелляция шикоятига ҳуқуқ ўтганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.</b></p>	
2	<p>3. Қонунга мувофиқ, суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) у қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида (МСИЮтК 203-моддаси), муайян яшаш жойига эга</p>	<p>Қонунга мувофиқ, суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) у қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида (МСИЮтК 203-моддаси), муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги</p>	<p>МСИЮтКнинг 203-моддасига кўра суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) у қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин. Кодекснинг 116-моддаси 4-қисмига кўра йиллар, ойлар ёки кунлар билан</p>



<p>бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги суднинг қарори устидан эса, у чиқарилган кундан эътиборан уч кун ичида (МСИЮтК 193-моддаси) берилиши мумкин.</p> <p>Апелляция шикоят (протести) бериш муддати ўтишининг бошланиши ҳал қилув қарори қабул қилинган куннинг эртасидан ҳисобланади (МСИЮтК 116-моддаси).</p> <p><b>Тўлдирилмоқда</b></p>	<p>суднинг қарори устидан эса, у чиқарилган кундан эътиборан уч кун ичида (МСИЮтК 193-моддаси) берилиши мумкин.</p> <p><b>Чиқарилмоқда</b></p> <p><b>МСИЮтКнинг 116-моддаси тўртинчи қисмига кўра, апелляция шикояти (протести) бериш муддати биринчи инстанцияси суди қарори қабул қилинган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади ва мазкур муддат охириг ойининг тегишли санасида тугайди. Бунда биринчи инстанцияси судининг мажлисида фақат суд хужжатининг хулоса қисми эълон қилиниши апелляция шикояти (протести) бериш муддати ҳисобланишига таъсир кўрсатмайди, лекин уни тиклаш ҳақидаги илтимосномани ҳал қилишда инобатга олинади.</b></p>	<p>ҳисобланадиган процессуал муддатнинг ўтиши календарь сананинг эртасидан ёки бошланиши аниқланган воқеа юз берган кундан бошланиши белгиланган.</p> <p>Амалиётда апелляция муддатида почта орқали келиб тушган шикоят (протест)лар; лекин ушбу шикоятлар судьяга келиб тушгунга қадар муддат ўтиб кетаётганлиги сабабли апелляция шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажримлар қабул қилинмоқда.</p> <p>Шу сабабли пленум қароридида ушбу ҳолатларни аниқлаштириш, Бундай ҳолда апелляция шикояти (протести) бериш санаси алоқа хати қабул қилинганлигини тасдиқловчи конвертдаги жойлардаги алоқа бўлимининг штамп, буюртма хати қабул қилинганлиги ҳақидаги квитанцияси ёхуд бошқа хужжат бўйича белгилаш лозим бўлади</p>
---	---	--

		<p><b>Агар апелляция шикояти (протести) почта орқали процессуал муддатнинг охирги куни соат йигирма тўртга қадар жўнатилган бўлса, муддат ўтмаган ҳисобланади. Бундай ҳолда апелляция шикояти (протести) бериш санаси алоқа хати қабул қилинганлигини тасдиқловчи конвертдаги жойлардаги алоқа бўлимнинг штамп, буюртма ҳаг қабул қилинганлиги ҳақидаги квитанция ёхуд бошқа ҳужжат бўйича белгиланади.</b></p>	
3	<p>4.МСИЮтК 203-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) бераётган шахснинг илтимосномаси бўйича шикоят (протест) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари узрли деб топилган бўлса, апелляция инстанцияси суди тикланилиши мумкин. Суд апелляция шикояти (протести) бериш муддатини тиклаш ёки рад қилиш тўғрисида бунинг</p>	<p>4.МСИЮтК 203-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) бераётган шахснинг илтимосномаси бўйича шикоят (протест) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари узрли деб топилган бўлса, апелляция инстанцияси суди</p>	<p>Амалиётда апелляция шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома апелляция шикояти (протести) билан бирга ёки бевосита апелляция шикоятида (протестида) бериб келинмоқда.</p> <p>Судлар эса апелляция шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги масала апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул</p>

<p>томонидан тикланилиши мумкин. Суд апелляция шикояти (протести) бериш муддатини тиклаш ёки рад қилиш тўғрисида бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда ажрим чиқаради.</p>	<p>сабабларини кўрсатган ҳолда ажрим чиқаради.</p>	<p>қилиш масаласи кўриб чиқиладиганда муҳокама қилиб келмоқда.</p>
<p><b>Тўлдирилмоқда</b></p>	<p><b>Апелляция шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома апелляция шикояти (протести) билан бирга берилди.</b></p>	<p>Бундан ташқари суднинг ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят (протест) берилганда, апелляция инстанцияси суди шикоятни асосли деб топганда, биринчи инстанция судининг ажримини бекор қилиб, ўтказиб юборилган муддатни тиклайди ва шикоятни (протестни) 204-моддаси талабига мувофиқлигини текшириши ҳамда 208-моддасида кўрсатилган ҳаракатларни бажариш учун ишни апелляция инстанция судига юборади деб кўрсатилган.</p>
<p>Муддатни тиклаш рад этилган ҳолда ажримда апелляция шикоятини беришда тўланган давлат божининг қайтарилиши назарда тутилиши лозим (МСИЮтК 209-моддаси).</p>	<p>Қайд этилган процессуал муддатни тиклаш ҳақидаги илтимос бевосита апелляция шикоятида (протестида) бўлиши мумкин.</p>	<p>Ваҳоланки, Ўзбекистон</p>
<p><b>Тўлдирилмоқда</b></p>	<p>Муддатни тиклаш рад этилган ҳолда ажримда апелляция шикоятини беришда тўланган давлат божининг қайтарилиши назарда тутилиши лозим (МСИЮтК 209-моддаси).</p>	<p>Республикаси МСИЮтКнинг 203-моддаси иккинчи қисмида, апелляция шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят бераётган шахснинг илтимосномаси бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан, апелляция шикоятини бериш муддати ўтказиб юборилигининг сабаблари суд</p>
<p>Ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш</p>	<p><b>Апелляция шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги масала апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш масаласи кўриб чиқиладиганда муҳокама қилинади.</b></p> <p>Ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан МСИЮтК 120-моддаси учинчи</p>	

	<p>тўғрисидаги ажрим устидан МСИЮтК 120-моддаси учинчи қисмига кўра, кассация шикоятни (протести) берилиши мумкин.</p> <p style="text-align: center;"><b>Тўлдирилмоқда</b></p>	<p>қисмига кўра, кассация шикоятни (протести) берилиши мумкин.</p> <p><b>Суднинг ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят (протест) берилганда, кассация инстанцияси суди шикоятни (протестни) асосли деб топганда, апелляция инстанция судининг ажримини бекор қилиб, ўтказиб юборилган муддатни тиклайди ва шикоятни (протестни) кўриб чиқиш учун ишни апелляция инстанция судига юборади.</b></p>	<p>томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкинлиги белгиланган.</p> <p>Кодекснинг 207-моддасида, апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш масаласи шикоят иш билан бирга судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай апелляция инстанцияси суди судьяси томонидан яқка тартибда ҳал қилинади.</p> <p>Кодекснинг 209-моддасида, апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан кассация шикоятни берилиши мумкинлиги белгиланган.</p> <p>Юқоридагиларни инобатга олиб, суднинг ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят (протест) берилганда, кассация инстанцияси суди шикоятни (протестни) асосли деб топганда, апелляция инстанция судининг ажримини бекор қилиб, ўтказиб юборилган муддатни тиклайди ва шикоятни (протестни) кўриб чиқиш</p>
--	--	---	--

			<p>учун ишни апелляция инстанция судига юборди деб кўрсатиш лозим.</p> <p>Шу сабабли пленум қарорига ушбу нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ.</p>
4	<p><b>Тўлдирилмоқда</b></p>	<p><b>4.1. Процессуал харакатларни амалга оширишга объектив тўсқинлик қилувчи ҳолатлар узрли сабабларга киритилиши мумкин (масалан, фавқулодда ҳолатлар, сув тошқинлари, эпидемиялар, пандемия, карантин, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида суд қарор қабул қилган шахнинг суд ҳужжатидан беҳабарлиги).</b></p> <p><b>Жисмоний шахнинг касаллиги, ноилож аҳволи, унинг оилавий аҳволи [оила аъзоларининг ўлими ёки оғир касаллиги), шунингдек, бошқа ҳолатлар, агар улар қонунда белгиланган муддатда апелляция шикоятти беришни истисно этган ёхуд жиддий тарзда қийинлаштирган</b></p>	<p>Амалдаги пленум қарорида қайси ҳолатларда ўтказиб юборилган муддатни узрли деб топиш ва тиклаш асослари кўрсатилмаган.</p> <p>Бу эса амалиётда муддатни узрли сабабларга кўра ўтказиб юборган деб топиш ва тиклашда турли хил амалиёт вужудга келган.</p> <p>Шу сабабли ўтказиб юборилган муддатни тиклаш учун асосларни кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.</p>

		<p>бўлса, узрли ҳолатлар деб топилиши мумкин.</p> <p>Юридик шахс вакилининг хизмат сафарида, меҳнат таътилида бўлиши, ҳуқуқшуноснинг бўлмаслиги, вакилнинг ёрдами учун тўлашга ёки давлат божини тўлашга пул маблағларининг мавжуд эмаслиги юридик шахс томонидан апелляция шикояти бериш муддати ўтказилганлигининг узрли сабаблари сифатида кўрилиши мумкин эмас.</p>	
5	<p>25. Апелляция инстанцияси суди МСИЮтК 106 ва 108-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга, аризани кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тугатишга шундай қарор қабул қилинишига сабаб бўлувчи ҳолатлар аниқланган бўлса, ҳақлидир.</p>	<p>Шуни назарда тутиш лозимки, қонунда апелляция шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш ва апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш учун</p>	<p>Судлар апелляция шикояти бўйича аризани кўрмасдан қолдириш ёхуд иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаришда шикоят қилувчининг кейинги вужудга келиши мумкин бўлган ҳуқуқларига дахл қилинишига алоҳида эътибо беришлари лозим.</p> <p>Хусусан, апелляция шикояти (протести) бўйича маъмурий иш кўрмасдан қолдирилганда, апелляция шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф қилингандан сўнг, шикоят</p>

	<p><b>Тўлдирилмоқда</b></p>	<p>турлича асослар назарда тутилган бўлиб, уларнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳам жиддий фарқ қилади.</p> <p>Хусусан, апелляция шикояти (протести) МСИЮтК 213-моддасида назарда тутилган асослар бўйича кўрмасдан қолдирилганда, апелляция шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф қилингандан сўнг, шикоят (протест) янгидан тақдим этилиши мумкин. МСИЮтК 214-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритиш тугатилганда, айти бир шахс томонидан айти шу асослар бўйича такроран берилган апелляция шикояти (протести) кўрмасдан қайтарилади.</p> <p>Кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш, кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида суд ажрим чиқаради.</p>	<p>(протест) янгидан тақдим этилиши мумкин.</p> <p>Бироқ, апелляция шикояти (протести) бўйича маъмурий иш иш юритувдан тугатилганда, айти бир шахс томонидан айти шу асослар бўйича такроран берилган апелляция шикояти (протести) кўрмасдан қайтарилади.</p>
--	-----------------------------	--	---

